

004
и 54

НИГМАТОВ Х.

ИНТЕЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАР



ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИГМАТОВ Х.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 5340900-Кўчмас
мулк экспертизаси ва уни бошқариш бакалавриат таълим йўналишида
таҳсил олаётган талабалар учун ўкув қўлланма сифатида тавсия этилган.

**Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги
№ 1186- сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.**

Ушбу тақдим этилаётган ўкув қўлланмада интеллектуал тизимларни яратилиши, ҳар хил автоматлаштирилган жараёнларда сунъий интеллект ишлаб чиқиб ҳаётда қўллаш учун унинг назарий усуслари кенг ёритиб берилган. Кўлланманинг якуннида амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини қандай ўтказиш кераклиги тўғрисида йўрикномалар берилган, ҳамда тест саволлари келтирилган.

Ўкув қўлланма олий ўкув юртларида таълим олаётган барча тала-балар, инженер техник ходимлар, коллеж ва академик лицей ўкувчилари учун ҳам фойдали бўлади деган ниятдамиз. Ҳар қандай эътиroz ва фикрларингизни ушбу ўкув қўлланма муаллифига юборишингиз мумкин.

В представляемом данном учебном пособии подробно описаны создание интеллектуальных систем, разработаны научно-обоснованные методы для их применения при построении искусственного интеллекта в различных автоматизированных процессах. В конце книги приводятся инструкция по проведению практических и лабораторных работ, а также даны тестовые вопросы.

Учебное пособие предназначено для студентов высших учебных заведений, инженерно техническим работникам, а также надеемся может быть полезен для учащихся профессиональных колледжей и академических лицеев. Любые замечания и предложения могут быть направлены автору данного учебного пособия.

We present in this tutorial is described the creation of the intellectual systems, developed science-based methods for their application in the construction of artificial intelligence in various automated processes. At the end of the book provides instructions for conducting practical and laboratory works, as well as the test questions.

The manual is intended for students of higher educational institutions, engineering and technical employees, and we hope it can be useful for the students of professional colleges and academic lyceums. Any comments and suggestions can be sent to the author of this tutorial.



СҮЗ БОШИ.

Интеллектуал тизимлар фани бутунги кунда энг ривожланаттган фан ҳисобланади. Чунки замонавий ахборот коммуникацион технологиялари ёрдамида барча ишлаб чыкариш корхоналарида, транспортни бошкариш тизимида, медицинада ва ҳалқ хўжалигидаги барча соҳаларда автоматлаштирилган бошкарув тизимлари сунъий интеллектлар ёрдамида яратилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда ақлий кўчалар, хайсовчисиз ўзи юрар транспорт воситалари, ишлаб чыкаришда роботлар ёрдамида тайёр маҳсулотлар чыкарилаётгани мисол бўла олади.

Афсуски, бугунги кунга қадар ўзбек тилида ёзилган ўкув кўлланмалари йўклиги бизларнинг ёш талабаларимизга анча қийинчилик келтирмоқда. Шунинг учун ушбу кўлланмана ўсиб келаётгандан ёш фарзандларимизга, ёки ишлаб чыкариш корхоналарида ишлаётгандан инженер техник ходимларга катта фойда беради деб ўйлаймиз.

Муаллиф

КИРИШ.

5521900 –“Замонавий ахборот коммуникацион технологиялари” таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш ўкув режасида «Интеллектуал тизимлари» фани маҳсус фанлар таркибига киритилган.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти – “5521900 – Замонавий ахборот коммуникацион технологиялари йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш мазмуни ва савиёсининг мажбурий минимумига бўлган талаблар”га мувофиқ тузилган.

«Интеллектуал тизимлари» фанини ўқитищдан мақсад: «Интеллектуал тизимлари» ҳакида умумий тушунчалар бериш, эксперт тизимлар ва билимлар базасидан фойдаланиш кўникмаларини хосил қилиш.

Интеллектуал тизимлар – хисоблаш техникасини таомиллаштирувчиларнинг диккат эътибори етук эксперт тизимларини яратишга қаратилган. Бу биринчидан, ЭҲМда ёки шахсий компьютерда (ШК) ечиладиган масалалар синфини, ЭҲМнинг мавжуд имкониятларини ва ундан фойдаланувчилар иштиёқини кенгайтириш, иккинчидан улардан фойдалана билиш, ШК ва дастурлаш соҳасига мансуб бўлмаган шахсий компьютерлардан фойдаланувчилар билан алоқасини соддлаштиришдир.

Етук ШКлар топширикларни киритиш ва ижодий жараёни амалга ошириш, ҳакиқий (табиий) тил сўровларини қабул қилиш, ахборотни белги, тасвир, сигнал кўринишида қайта ишлаш, ШКдаги бор билимларни йиғиш имкониятига эга ШКда жойлаштирилган етук интерфейс компьютерларининг бир кисми билангина таниш бўлган инсонларни машинада ишлашига ёрдам беради. Шунинг учун етук ЭҲМларнинг келажаги порлоқдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида рўй берадиган ўзгаришлар эксперт тизимларини ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бошқаришида кўллашни талаб этмоқда. Бу эса информатика ва информацион технологиялари йўналишлари бўйича тайёрланадиган кадрларни чиқаришда интеллектуал тизимлар фанини ахамияти ниҳоятда юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Фанинг ўқитишининг мақсади — охирги фойдаланувчига у ёки бу масалани ечишда унинг касби фаолияти доирасида малакали мутахасис (эксперт)ларнинг йиллар давомида ортирган билимларидан фойдаланиш учун имконият яратишдан иборат.

Фанинг асосий вазифалари – интеллектуал тизимлар, сунъий интеллект ғоялари ва усууллар, билимлар, маълумотлар йигиндиси ва улар ёрдамидаги бошқарув системалари ҳамда мантикий қидирув, ассоциатив хисоблаш амаллари кабиларни ўргатишидир.

«Ителлектуал тизимлар» фанини ўрганиши натижасида талаба ёки малакасини оширувчи шаҳс қуидаги билим, малака ва кўникмага эга бўлади:

билимлар базасининг алгоритмини яратиш;

замонавий компьютерларнинг имкониятларидан фойдаланиб базалар тузса олиш;

юқори даражадаги алгоритмик тилда дастурлар тузса олиш;

турли муҳандислик масалаларини еча олиш;

танлаб олинган предмет соҳа учун интеллектуал тизим яратса билиш;

фойдаланучи учун кулай интерфейс тузса олиш ва бошқалар.

Инсонларнинг замонавий компьютерларда турли масалаларни ечиши (алгоритмлаш ва дастурлаш), улардан замонавий ахборот технологиялар бўлган INTERNET, электрон почта, компьютер тармоклари, мультемедиа, график дастурларида ишлаши мумкин. Бундан ташкари INTERNET тизими орқали турли фанлар бўйича энг сўнгги маълумотларга эга бўлиши, физика, кимё каби табиий фанларда тажрибалар натижаларини қайта ишлашда ШКдан оқилона фойдалана олиши мумкин.

Талабаларнинг «Ителлектуал тизимлар» фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги ахборот-педагогик технологияларни тадбиқ килиш мухим ахамиятга эгадир.

I. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.

1.1. Асосий терминлар ва тушунчалар.

“Интеллект” (*intelligence*) термини лотинчадан (*intellectus*) сўзи-дан келиб чиқиб – ақл, идрок, фикр, мулоҳаза яъни инсоннинг фикрлаш қобилияти маъносини англатади.

Интеллект – инсон миссининг интелектуал масаларни ечиш қобилиятига айтилади. Ушбу жараён асосан тажриба асосида маълумотларни қабул қилиб, эслаб қолиш ва мақсадли билимларни ўзгартириш, ҳамда ҳар хил шароитларда мослаштиришга асосланган бўлади.

Юқоридаги таърифда келтирилган “билим” сўзи инсоннинг фақат сезиш органлари оркали олинадиган маълумотлар эмас, балки бизнекамраб олган табиятдаги барча обьектлар бир – бири билан боғликлиги ҳисобланади.

Ҳар бир инсон турган жойининг атрофидаги барча кўзга кўринган ва эшитаётган маълумотларни миссида саклайди. Шунинг учун билим – бу амалиётда текширилган ва мантикий аникланган ҳақиқат фикр натижаси ҳисобланади. Асосан, билим инсондаги тушунча, фикрлаш ва назария ҳисобланади, ҳамда ҳаёт жараёнида ўрганиш натижасида ривожланиб боради.

Сунъий интеллект (*artificial intelligence*) эса – бу автоматик тизимларнинг ўзига инсон интеллектининг алоҳида функцияларини бажараолиш қобилиятига айтилади. Масалан, оддин олинган тажриба асосида ташлаб ва ташки таъсирларни таҳлил этиб оптималь саволга жавоб қабул қилиш ҳисобланади.

Юқорида келтирилганларни амалга ошириш учун ва интеллектуал масала оддий масалалардан фарқини билиш учун албатта “алгоритм” терминидан фойдаланилади.

Алгоритм – бу ҳар қандай масалани ечиш учун аниқ кетма – кетлик йўлини аниқлаб ва кўрсатиб берувчи қонда ҳисобланади.

Интеллектуал масалалар – бу шундай алгоритм яратиш ёки топиш керакки, у аниқ фикрлаш, мантикий исботланган ва жуда юқори даражали аниқлик билан ечимини топиш керак бўлган масалалар ҳисобланади.

Интеллектуал тизим (ИТ) – бу дастурий таъминотга эга бўлган техникавий курилма (комьютер) бўлиб, ташки холат ва таъсирларга қараб ўз параметрларини созлаб, масалани ечиш қобилиятига эга бўлган курилма ҳисобланади.

Интеллектуал информацион тизим (ИИТ) – бу воситалар, усуллар ва инсон бир-бири билан боғланган уюшма бўлиб, маълумотларни

саклаш, қайта ишлаш ва узатиш қобилиятига эга бўлган, ҳамда кўйилган масалани ечиш учун ўз параметрларини ташки ходисаларга караб созлай оладиган восита ҳисобланади.

Ҳаммага маълумки, техникавий – дастурий воситалар жуда тез- тез ўзгариб ва янгиланиб туради (ўргача ҳар 2 – 3 йилда), а интеллектуал тизимлар эса анча секин тарзда ўзгаради (ўргача 15 – 20 йиллар ичida).

Интелектуал информацион тизимлар асосан оддий информацион тизимлар натижасида табиий ҳосил бўлган ҳисобланиб, илмий технологиялар асосида натижка олиш учун керакли маълумотларни тайёрлаш жараёнлари автоматлаштирилган даражада бажарилади.

1.2. ИИТнинг иқтисодиётдаги вазифалари:

- Корхонанинг холатини диагностика асосида аниклаш;
- Антикризис бошқарувда ёрдам бериш;
- Оптималь қарор ечимини таълаб бериш;
- Корхонанинг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиб бериш;
- Стратегик режалаштириш;
- Инвестицион таҳлил этиш;
- Киммат қоғозлар портфелини ишлаб чикиш ва бошқалар.

Юкорида келтирилган масалаларни ечиш учун интеллектуал информацион тизим кўйидаги имкониятларга эга бўлишилиги керак:

- Енгил ва осон моделлар асосида ва асосий кўрсатмалар аник бўлмаган ҳар қандай масалаларни ечиш;
- Динамик равишда ўзгариб турадиган маълумотлар билан ишлай оладиган ва қайта ишлаш даврида кириб келаётган янги маълумотларни ҳисобга оладиган бўлиш;
- Йиғилган тажриба асосида керак бўлган билимларни ажратиб олиб, тизимни ривожлантириш қобилиятига эга бўлиш;
- Умумий сакланадиган маълумотларнинг хажмини ошириб юбормаслик учун, бошка ерда сакланатдан маълумотлар омборидан фойдаланиш ва бошқалар.

ИИТ ларга қўйидаги хусусиятлар киради:

- Коммуникатив имкониятини ривожлантириш, диалог режимда инсон тилига максималь яқин холатда ҳар қандай сўровларни қайта ишлай олиш (табиий тил интерфейс тизими – ТТИТ);
- Бўш структурланган ва етарли формаллаштирилмаган масаларни (енгил моделлар асосида) ечишга мўлжалланган бўлиш;
- Ноаник ва динамик маълумотлар билан ишлай оладиган қобилиятга эга бўлиш;
- Конкрет ситуациялар асосида йиғилган билимларни ажратиб олиб, тизимни ривожлантириш;

- Маълумотлар омборидан керакли маълумотларни олиш хусусиятига эга бўлиш ва бошқалар.

Интеллектуал информацион тизимларни оддий информацион тизимлардан фарқи қўйидагилардан иборат:

- Интерфейс фойдаланувчи билан табиий тилда бажарилишини таъминлаш;

- Ҳар қандай обьектларни унинг атрофидагиларни билим базаси модели шаклида кўриш, яъни ноаник ва тўлик бўлмаган маълумотлар пайтида тўғри ҳолоса чиқариш;

- ИИТнинг ечими “очик – ойдинлиги” бўлишилиги, яъни фойдаланувчига юқори даражада тушунтура олиш;

- Эксперт тизимлари ўз билимларини эксперталар билан мулокотда бўлиб тўлдириб бориш;

- Автоматик равишда йигилаётган фактлар асосида билим базасини тўлғазиб бориш;

- ИИТ фойдаланувчисига “тайёр” жавоб берадолиш, эксперт – инсон берган жавобга тўғри келишилигини таъминлаш;

- Билим базасини специфик компонент сифатида ишлатилишини таъминлаш ва бошқалар.

1.3. ИИТ классификацияси.

Юқорида келтирилганлар асосида интеллектуал тизимлар қўйидаги характеристики хусусиятларга эгадирлар:

1. Коммуникатив имкониятини ривожлантириш.

2. Мураккаб ва етарли даражада формаллаштирилмаган масалаларни ечиш билимига эга бўлиш.

3. Ўзини – ўзи ўқитиб ривожланиш қобилиятига эга бўлиш.

Коммуникатив имкониятлар қўйидагилардан иборат:

1. Интеллектуал маълумотлар омбори (ИМО):

2. Табиий тил интерфейс тизими (ТТИТ);

3. Гиперматнли тизимлар (ГТ);

4. Контен тизими (КТ);

5. Когнатив графиклар тизими (КГТ).

1. Интеллектуал маълумотлар омбори – оддий маълумотлар омборидан фарқи тушган сўровларни аниклаб, ўзида керакли маълумотлар бўлмаса, у ҳолда бошқа омборларга мурожаат этиб, жавоб бера олиши хисобланади. Масалан, соҳавий нархи юқори бўлган маҳсулотлар рўйхатинини чиқариб бериш.

2. Табиий тил интерфейс тизими – машина дарасига билимларни табиий тил кўринишида етказиб бериш хисобланади. Бу жараён ёзилган сўзларни лугат ва синтаксис коидалари асосида текшириб аниклаб

беради. Бундай интерфейслар (мослаштирувчилар) маълумотлар омборига мурожаатини ҳамда бошқарув тизимларда овоз командаларини енгиллаштириб бериш.

3. Гиперматнили тизимлар - маълумотлар омборида калитли сўзлар ёрдамида матнли ахборотларни кидириш учун ишлатилиш.

4. Когнитив график тизими - фойдаланувчиларни ИИТ билан боғланишда график кўринишдаги маълумотлар билан ишлаш.

Масалаларни ечиш тури бўйича:


- Эксперт тизимлари;
- Синфланган (классифицирующие) тизимлар;
- Олдиндан аникловчи тизимлар;
- Трансформацияловчи тизимлар;
- Кўп агентли тизимлар.

Ўзи ўрганиш қобилиятига биноан:

- Индуктив тизимлар;
- Нейронли тизимлар;
- Даъволарга асосланган тизимлар;
- Маълумотларни сакланиш жойи.

1.4. Интеллектуал информацион тизимлар архитектураси.

Интеллектуал информацион тизимлар архитектураси куйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. ИИТ архитектураси.

МО – маълумотлар омборида объектга таалукли форматланган маълумотлар, яъни конкрет фактлар ва ўзгармас константалар сакланади.

ИИТларда маълумотларни саклаш учун реляцион ёки объектга йўналтирилган маълумотлар омбори ишлатилади.

Билимни интерпретация тизими яъни машина орқали чиқариш тизими асосан натижা олиш учун керакли даражада билимни қўллаш хисобланади.

Билимни олиш тизими экспертни ва билим мухандисининг таклифлари асосида билим базасини (омборини) тўлғазиб боради ва ўрганади.

Табиий тил интерфейс тизими (**ГТИТ**) фойдаланувчининг сўрванин ва масала жавобини табиий тилда бериш механизми хисобланади.

Жавобини тушунтириб берадиган тизим билимни интерпретация тизимидан келаётган маълумотларни протоколлаштириб, фойдаланаувчига мантикий асосда хуносалар чиқариб беради.

1.5. Сунъий интеллект

Сунъий интеллектни яратиш тўғрисидаги назарий назарий изланишлар XIII асрда яшаган испан файласуфи, математики ва шоир бўлган Раймонд Луллий ҳар хил масалаларни ечадиган машина яратишга харакат килган.

XVIII асрда яшаган Лейбниц ва Декарт бир – биридан алоҳида универсал тил таклиф этишган. Лекин, асосан сунъий интеллект илмининг йўналиши сифатида расмий келиб чиқиши XX асрнинг 40 йилларига тўғри келади, яъни ЭҲМ яратила бошлагандан сўнг. Шу пайтда Норберт Винер кибернетика фанига асос солади.

1969 йилда Вашингтоннинг Дартсмут коледжида сунъий интеллект бўйича 1- Халқаро бирлашган конференция бўлиб ўтади ва “сунъий интеллект” термини конунлаштирилади.

Сунъий интеллектнинг асосий йўналишлари:

- Нейрокибернетика;
- “Қора яшик (кути)” кибернетикаси.

Нейрокибернетиканинг асоси инсон мияси, яъни мияга ўхшаб фикрлаш қобилиятига эга бўлади, чунки инсон мияси нейронлардан ташкил топган.

Демак, фикрлай оладиган қурилма нейрокибернетика асоси хисобланиб, дастурий ва ускунавий воситалардан иборат бўлади. Нейронларни бирлашмаси эса нейрон тармоклари деб аталади. Бундай нейрон тармокларни 1956 – 1965 йилларда Френк Розенблат ва Мак-Каллаком яратишади, яъни инсон кўзини мия орқали боғланиш моделинин

ишилаб чикишади (алфавитдаги ҳарфларни кўриб ўқий оладиган модели эди).

Кибернетиканинг “қора яшик” учун эса қурилманинг фикрлаш ускунаси қандай бўлишидан ташқари, ҳар хил саволларга одам миясига ўхшаб жавоб берга оладиган эди.

1956 – 1963 йилларда инсоннинг фикрлашига ўхшаган моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситалар яратилиши фаоллашган.

1970 йилларда АҚШда билимга ва эксперт тизимга асосланган тижорат учун мўлжалланган бошқариш тизими яратила бошланди.

1965 – 1980 йиллар ичидаги Постепов Д.А. бошчилигида янги йўналиш – ситуациян бошқариш термини ва тизими яратилди.

1988 йилда сунъий интеллект ассоциацияси ташкил этилди.

Сунъий интеллект асосан бу информатиканинг бир йўналиши хисобланади ва ускунавий – техникавий тизим воситалари асосида инсонга ўхшаб фикрлайдиган ва ҳар хил масалаларни ечишга мўлжалланган бўлади.

Интеллектуал информацион тизимларда билим – бу обьектнинг амалий фаолияти ва профессионал тажриба асосида олинган қонунияти хисобланиб, мутахассисларни ушбу йўналиш соҳасида масалаларни ечаолишилиги, яъни структуранган маълумотлар йигиндиси хисобланади ва мантикий жавоб берадиган маълумотлардир.

Билимлар декларатив ва процедурали (бажаришни аниқлайдиган) турларга бўлинади.

1.6. Эксперт тизимлари (ЭТ)

Эксперт тизимлари (ЭТ) билимларга асосланади, яъни билимлар омборидаги маълумотларга боғлик бўлади.

Билимлар базасини жуда катта назарий ва амалий тажрибага эга бўлган эксперталар деб атадиган мутахассислар яратиб ва тўлғазиб боради.

Эксперт тизимларининг асосий вазифаси билимлар базаси асосида жуда қийин бўлган эксперт масалаларини ечишга мўлжалланган. Уларнинг ютуғи аниқ ечим алгоритми номаълум бўлган масаланинг ечимини билимлар базаси ёрдамида қарор қабул қилишга асосланган, яъни эксперт тизимидан тажрибаси паст бўлган фойдаланувчилар учун инструмент (қурилма, ускуна, асбоб) сифатида ишлатилади.

Эксперт тизимлари айниқса бизнесда, химияда, коммуникацияда, компьютер тизимларида, таълим соҳасида, электроникада, ахборотларни бошқаришда, ишилаб чиқаришда, медицинада, армияда, фанда, космик соҳасида, транспортда кенг фойдаланиллади.

Таъриф. Сунъий интеллект (СИ) – бу дастурий мухитнинг шундай тизимики, унда инсон тафаккури компьютер жараёнига имитацияланган. Сунъий интелект атамаси 1956-йилда Стенфорд университети (АҚШ) томонидан таклиф қилинган.

Интеллект – бу мақсадга эришишда зарур бўладиган фактлар ва усуллар тўпламидан иборат. Мақсадга эришиш – бу фактларга зарурый коидаларни кўллашдан иборат.

Мисол. Факт 1. Ёнаётган плита – иссик.

Қоида 1. АГАР қўлни ёнаётган плитага теккизилса, У ҲОЛДА куйиш мумкин.

Сунъий интеллект тизими ривожланишининг қуидаги босқичларини кўриб чиқишимиз мумкин:

1. XX асрнинг 70 йиллари масалаларни ечиш методларини излаш ва уларни универсал дастурларни куришда фойдаланиш билан характерланади.

2. XX асрнинг 80 йиллари ахборотларни тасавур килишнинг умумий методларини излашга ва уларни маҳсус дастурларга кўллаш усулларини қидириш билан характерланади.

3. XX асрнинг 90 йиллари бир қанча фан соҳалари бўйича маҳсус дастурларни яратиш учун катта хажмли юқори сифатли маҳсус билимларни кўлланиши билан характерланади.

XX асрнинг 90-йиллари бошларида бутунлай янги концепция қабул қилинди. Интеллектуал дастурни тузиш учун, изланиш фан соҳасининг юқори сифатли маҳсус билимлари билан таъминлаш керак. Шунинг учун лойихалаштирилаётган СИ тизими юқори босқисдаги билимлари базасига эга бўлиши керак. Ҳозирги вактда энг кўп тарқалган концепция бу эксперт тизимларини (ЭТ) лойихалаштиришдир.

Таъриф. Маълум фан соҳасидаги сунъий интелект тизими эксперт тизими (ЭТ) деб аталади.

ЭТ – бу аниқ фан соҳасидаги мутахассисларнинг билимларини тўпловчи ва кам ихтисослашган фойдаланувчиларга маслаҳат бериш учун эмпирик таъкирасини тиражлаштирвчи(нусхаси ёзиш) мураккаб дастурлар комплекси.

ЭТ учун билимларни қабул қилишда шу фан соҳасидаги эксперталар хизмат қиласди.

Уларнинг асосий хусусиятлари:

1. ЭТ масалани ечиш учун юқори сифатли тажриба ва билимни қабул қиласди;

2. ЭТдаги билимлар доим тўпланиб ва янгиланиб борилади;

3. ЭТ олдиндан айтиб бериш қобилятига эга бўлади.

4. ЭТ ишчиларга ва мутахассисларга ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилиши мумкин.

ЭТни лойихалашда ва ишлаб чиқиши жараённанда қуидаги қатнашувчиларни айтиб ўтиш мүмкін:

1. ЭТни лойихалаш инструментал мұхитини ишлаб чиқувчилар;
2. ЭТни яратышдаги инструментал мұхит(ИМ);
3. ЭТнинг ўзи;
4. Эксперт;
5. Билимлар инженери ва билимлар базаси(ББ) администратори;
6. Фойдаланувчи.

Билимлар инженери – бу СИ тизимини ишлаб чиқишидаги күнікмәгә эга ва ЭТни қандай тузишни биладиган одам. У экспертдан сұрайди ва ББдаги билимларни ташкиллаштиради.

Инструментал мұхитни лойихалашига ЭТ дастурлаш тили ва құллаб күвватловчи мұхит(у орқали фойдаланувчи ЭТ билан ўзаро таъсирлашади)дан иборат.

ЭТ асослилигини қараб чиқамиз, инсон тафаккурини ва СИ тизимини солиштириш.

<i>Инсон тафаккур тизими</i>	<i>СИ тизими</i>
<p><u>Камчиликлари</u></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Барқарор эмас 2. Қийин ўтказувчи (ифодаловчи) 3. Қийин хужжатлаштирилувчи 4. Олдиндан айтиб бўлмайдиган 5. Қимматли 	<p><u>Устунликлари</u></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Доимий 2. Осон ифодаланувчи 3. Осон хужжатлаштирилувчи 4. Доим бир хил 5. Мақбул
<p><u>Устунликлари</u></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ижод қилувчи 2. Мослашувчан 3. Ҳиссий идрокдан фойдаланади 4. Ҳар томонлама 5. Кенг қамровли билимдан фойдаланади 	<p><u>Камчиликлари</u></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Сунъий олдиндан дастурлаштирилган 2. Айтиб туриш керак 3. Белгили идрокдан фойдаланади 4. Тор йўналиши 5. Махсус билимдан фойдаланади

Бу тизимларни афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиб, инсон эксперт асосий афзалликлари, у қўп соҳада, масалан, ижодкорликда, топқирликда, маълумот узатишида ва умуман мазмунан СИдан устунликка эга.

1.7. ЭТ терминологияси.

Этда ишлатиладиган асосий атамаларни кўриб чиқамиз:

Алгоритм – бу оптимал ечим олишни таъминлайдиган формал процедура.

Билимлар базаси – бу ЭТнинг соҳа билимидан иборат қисми.

Диспетчер – бу билимлар базасидан қачон ва кай тартибда қоидаларни қабул қилишни бошқариб турадиган механизм қисми.

Билим – бу дастурда ишлатиладиган интеллектуал ахборот.

Интерпретатор – бу соҳа билимини қайси шаклда қабул қилишни бошқарадиган механизм қисми.

Қарор механизми – бу масалаларни ечиш жараёнларини умумий схемасини ўзида мужассамлаштирган ЭТнинг қисми.

Ишончлилик коэффициенти – бу берилган фактлар ва қоидаларни аниқ ҳисоблаш эҳтимоли ёки ишончлилик даражаси белгилайдиган сон.

Қоида – бу билимни куйидаги формал шаклда берилиши:

АГАР <шарт>, У ҲОЛДА <ҳаракат>.

Эксперт тизим – бу олдидан мўлжаллаб қўйилган ва бошқа билимлардан ажратилган соҳа билимларига асосланган дастур.

Эвристика – фан соҳасидаги ечим излашни чеклайди ёки соддлаштирадиган қоида.

Семантик тармоқ – бу билимларни граф шаклида кўрсатувчи метод, унда уч қисмлари объектларни, ёйлар эса унинг хусусиятларини билдиради.

Слот – бу обьект хусусияти атрибути тавсифи.

Этни ташкиллаштирилган структураси.


ЭТ асосида ББ ётади. Бу ерда билим фактлар ва қоидаларнинг ўзаро боғлиқ шаклда қабул қилинади, хоҳ улар тўғри бўлсин, хоҳ нотўғри ёки қайсиdir даражада ишончлиликка эга бўлсин.

Этда кўп қоидалар, масалан, эмпирик ёки тажрибали қоидалар ёки соддлаштириш, эвристика бўлади.

ЭТ эвристикани ишлатишга мажбур, чунки бу ерда ечиладиган масалалар одатда кийин бўлади ва охиригача тушуниб бўлмаслиги, математик ёзувга тушмаслиги мумкин.

Фан соҳаси ҳакида саралаб олинган билимлар базавий билимлар, масалани ечишда қарор қабул қилишда ишлатиладиганлари эса умумий билимлар дейилади. Шундай қилиб, ЭТдаги ББ фактлар ва қоидалардан иборат бўлади, қарор қабул қилиш механизмида эса янги билимлар учун қоидани қандай шаклда қабул қилишни аниқлаштирувчи интерпретатор ва бу қоидаларни қандай тартибда қабул қилишни ўрнатувчи диспетчер бўлади.

ЭТнинг ташкиллаштирилган схемасини қўйидаги шаклда тасвирлаш мумкин:



Оддий ахборотни қайта ишловчи дастурлардан ЭТнинг фаркли томонлари:

1. Анъанавий компьютер дастурлари – ихтиёрий кўйилган масалага улар доим бир хил жараёнлар кетма-кетлигига ёндашишади; ЭТ хар бир кўйилган масалага хусусий ечим дарахтини куради.

2. ЭТ ихтиёрий символли ифодани (масалан, концептуал, макон ва замон муносабатлари) қайта ишлайди. Агар оддий дастурларда мақсад – сонлий кийматларни хисоблаш, ўзгармасларни тўплаш ва хотирадан чиқариш бўлса, ЭТ учун мақсад – обьектлар ва ҳодисалар оқимини кузатища олдиндан асосли кўрсатмалар ва тавсиялар беришдан иборат.

3. Агар анъанавий дастурлар математик коидалардан келиб чиқса, ЭТ ишлаши эса белгиларни қайта ишлашга ва эвристик муроҳазаларга асосланади.

ЭТ инсон тафаккурини, аникланган муаммоларнинг фараз қилинган ечимларини имитация қиласи, кейин улардан энг мос, тўғри келадиганини танлайди. Бунда энг олдин кераксиз ечимларни ташлаб юборилади. Бунданда кўпроқ, у эгалланган субъектив билимларга боғлиқ бўлмаган таркибий тузилишидан фойдаланади, тадқиқ қилинган инсон тизимини ҳётгий муаммолар ечимига экспертиза ўтказилишини қабул килинади. Муаммоларни турли томондан қарашни тизимли таҳлили туфайли, у шундайгина тўғри келадиган эмас, балки энг яхши ечимни беради. ЭТ бутунлай инсоний экспертизага боғлиқ.

1.8. Эксперт тизимларни синфлаш

“Эксперт тизимлар” синфи ҳозирда бир неча минглаб дастурий тупламларни ўз ичига олиб, уларни турли критетиялар асосида синфлаш мумкин.

Масалани ечишига қараб синфлаш

Маълумотларни интерпретациялаш. Бу эксперт тизимлари учун ананавий вазифалардан биридир. Интерпретасия остида маълумотлар маъносини аниклаш тушунилади, унинг натижаси улароқ туғриланади ва мослаштирилади. Одатда кўпвариантли таҳлил назарда тутилади.

Диагностика. Бу маълум бир тизимдаги хатоликни аниклаш тушунилади. Хатолик – бо нормал ҳолатдан оғиш. Бундай тавсиф умумий назарий жиҳатдан техник тизимларда жиҳозларнинг бузуклигидан тортиб тирик организмларнинг касаллигига турли табиат аномалияларини куриш имконини беради. Асосий хусусияти бу диагностика килинаётган тизимни функционал структурасини (“анотамияси”) тушуниш зарурати.

Мониторинг. Мониторингни асосий вазифаси – реал вактда маълумотларни узлуксиз интерпретацияси ва маълум параметрларни белгиланган чегарадан чиқиши ҳақида сигнал бериш. Асосий муаммо – ҳавфли ҳолатни “ўтказиб юбориш” ва “ёлғон” ҳавфли ҳолат ҳақида сигнал бериш. Бу муаммоларнинг мураккаблиги ҳавфли ҳолатларнинг белгиларини аниқ эмаслиги ва вактни эътиборга олиш зарурати.

Лойиҳалаш. Лойиҳалаш олдиндан аниқланган хусусиятли “обектлар”ни яратишга таайёрлаш. Тайёрлаш асбоблари сифатида барча чизмалар, тушунтириш хужжатлари мисол була олади. Бунда асосий муаммо обектни аниқ структуроловчи билимлар олишда ва “из” муаммоси. Унумли лойиҳалашни ташкиллаштириш учун ва қайта лойиҳалашда фақат лойиҳалаш ечимларини шакклантирибгина қолмасдан, балки уларни қабул қилиш сабабларни шакклантириш зарур. Лойиҳалаш масалаларида эксперт тизими доирасида бажарилувчи икки асосий жараён боғланади: ечимни чиқариш жараёни ва тушунтириш жараёни.

Башорат килиш. Башорат қилувчи тизимлар мантиқан жорий ҳолатлардан келиб чиқувчи оқибатларни келтириб чиқаради. Башорат қилувчи тизимда одатда параметрик динамик модел кулланилилиб, параметрлар қиймати берлган ҳолатга мослаштирилади. Бу моделдан келиб чиқувчи оқибатлар эҳтимолликлар асосида башоратлар тузади.

Мисол:

об-ҳавони башорат қилиши – ШИЛЛАРД тизими;

келажак ҳосилини баҳолаш - ПИ.АНТ;

иқтисодиётда башорат - ЕСОН ва бошқалар.

Режалаштириш. Режалаштириш деганда маълум функцияларни бажарувчи обектга дахлдор ҳаракатлар режасини топиш тушунилади. Бундай эксперт тизимларда реал обектларнинг ҳатти ҳаракати моделидан фойдаланилиб, режалаштирилган фаолият оқибатларини натижага сифатида курсатади.

Мисол:

*робот фаолиятини режалаштириши - СТРИПС,
ишлаб чиқариш буюртмаларини режалаштириши - 1СИС,
таҗрибани режалаштириш - МОЛГЕН ва бошқалар.*

Ўқитиш. Ўқитиш тизимлари бирор фандан ўкув жараёни давомида хатоликларни аниқлади ва тўғри ечимларни курсатади. Улар ўкувчи ва унинг хатолари ҳакида билимлар йигилади, сунг иш давомида ўкувчиларнинг билмини диагностика қилиб, уларни юқотиш учун зарурий воситаларни таклиф килади. Шунингдек улар ўкувчи билан унинг муваффақиятига қараб мулокотони режалаштиради.

Мисол:

*дастурлаш тили Лисп ургатиш тизими "Учитель Лиспа";
ПРОУСТ тизими – Паскал тилини ургатиш ва бошқалар.*

Реал вактга боғланганиллигига қараб синфлаш

Статик ЭТ вакт ўтиши билан ўзгармайдиган билимлар базаси ва интерпретасия маълумотларга эга предмет соҳалари учун ишлаб чиқарилади. Улар стабил.

Салом . Автомобилдаги хатоликларни диагностикаси.

Квазидинамик ЭТ вакт интервалларида ўзгарувчи ҳолатларни интерпретасиялайди.

Мисол. Микробиологик ЭТ – технологик жараёндан бир олингандан 4-5 марта тажрибавий ўлчовлар олинади ва олинган курсаткичлар олдинги улчаш курсаткичларга нисбатан динамикаси таҳлил қилинади.

Динамик ЭТ реал вакт тизимида обект датчиклари келаётган маълумотларни интерпретасиясини амалга оширади.

Мисол. Мослашувчан ишлаб чиқариш комплекслари бошқарувида, реанимасион палаталар мониторингида ва бошқалар. Масалан Г2 динамик тизимни ишлаб чиқиши учун инструментарий.

Бошқа дастурлар билан интеграсия даражасига қараб синфлаш

Автоном ЭТ маҳсус “эксперт” масалаларни фойдаланувчи билан бевосита маслаҳатлашиб ишлайди, ечим учун ананавий маълумотларни кайта ишлаш усуслари кулланилмайди.

Гибрид ЭТ дастурий комплекс булиб, илова дастурлар стандарт пакетлари йигиб, билимларни манипуляция қилиш ускунаси. Бу илова дастурлар пакети учун интеллектуал созлаш ёки эксперт билимлар элементига эга кийин масалаларни ечишга қаратилган яхлит мухит.

Гибрид тизим ташки кулай куриксада, автоном ЭТларни ишлаб чиқаришга қарагнада мураккаброқ вазифани куяди. Нафақат турли пакетларни балки турли методологияларни бирлаштириш бутун бир назарий ва амалий қийинчиликларни юзага келтиради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Сунъий интеллектни таърифланг.
2. Эксперт тизими нима?
3. Билимлар мұхандисининг вазифалари.
4. ЭТ лойиҳаланишининг инструменталь мұхитига нималар киради?
5. Эксперт тизимларининг оддий дастурлардан фарқлари.

II. ЭКСПЕРТ ТИЗИМЛАРИ ТАРКИБИ. БИЛИМЛАР БАЗАСИ.

Этни асосини Фейгенбаум, С. Осуга, Р. Форсайтлар кўйишиди. Эксперт тизими унинг қисмлари билан ўзининг узвий боғликлигини кўрсатади:

- Билимлар базаси – ББ;
- Мантиқ чиқариш машинаси – МЧМ;
- Ифодалаш ички тизими – ИИТ;
- Билимлар базаси таҳрирлагичи;
- Билимларни эгаллаш (ўрганиш) модули.

1. Этни куришдаги энг мураккаб масалалардан бирни билимлар базаси тизимини куриш ва уни тўлдириш хисобланади. Бу икки босқич ўзаро йўналишили (бир бирига боғлик), иккинчи босқичдан биринчидан босқичга ўтиш мумкин, шу билан бирга, экспертдан олинган билим бошлангич ББга мос тушмаслиги мумкин.

У фактлар, тавсифланган муаммолар майдони, шунингдек, бу фактларни ўзаро алокасидан иборат. Билимлар базаси марказида қоидалар жойлашади. Қоида берилган аниқ ҳолатда нима натижка келиб чиқишини аниклади ва икки қисмдан иборат бўлади: бажарилиши ёки бажарилмаслиги мумкин бўлган шарт ва агар шарт бажарилганда келиб чиқадиган харакатдан иборат. Эксперт тизимида фойдаланилган барча қоидалар тизим қоидасини ифодалайди, ҳатто оддий тизимлар ҳам бир неча минг қоидадан ташкил топиши мумкин. Билимларнинг барча кўриниши предмет майдони ўзига хослигига боғлик ва шу ёки бойқа ҳолларда лойиҳачининг маҳорати (билимлар мұхандиси) адекватлик даражаси бир ёки бир неча семантиқ моделлар ёрдамида тасвирлаш мумкин. Энг кенг тарқалган моделларга мантикий, маҳсулий, фреймли ва семантиқ тармоқлар киради.

2. Мантиқ чиқариш машинаси. Унинг мақсади – ташки мухит объектларидан олинган маълумотлар қайта ишланишини мувофиқлаштиришдан иборат. Бу ҳолда ББ чекли натижалар олиш учун ишлатилади. Ташки мухит остида техник тизим, яъни ЭТ ҳисоблагич ёки операторлардан олаётган маълумотлар тушунилади. Натижада гипотезалар илгари сурилади ва текширилади, янги маълумотлар ишлаб чиқарилади, янги маълумотларни киритиш шакллантирилади, ечимлар шакллантирилади, тавсия қилувчи ёки бошқарувчилик хусусияти шакллантирилади.

3. ИИТ ЭТда фойдаланувчининг мантикий харакатларини ифодалашига хизмат киласи, масалан, ЭТ “шаффофлик”ини таъминлаш учун. Бу блок, айникса ўқитувчи ва консультация берувчи ЭТларда ЭТ

фойдаланувчиларини ўзлаштириш жараёнида алоҳида аҳамиятга эга. ИИТ вактнинг ихтиёрий моментида таъминлайди:

- айни вактдаги тизим ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўлиқ бериш;
- фойдаланувчи сўрови билан олдин бажарилган ҳаракатлар натижаларини хабар қиласи.

4. Билимлар базаси таҳирлагичи – ББТ. ББни тўлдиришда эксперталар билан ишлаш жараёнида билимлар мухандисига ёрдам бериш учун мўлжалланган. ББ – бу файл тизими ва ББТ табиий тилнинг баъзи ички тўпламидан билимлар мухандиси фойдаланадиган, МЧМГа йўналтирилган, маҳсус кодга ўтказувчи трансляторни ифодалайди.

ББТ шарт:

- билимлар мухандисига кулай бўлиши;
- олдиндан кўзда тутилган ББ таркибининг ихтиёрий тузилишини реализация қилиши;

•ББ элементларини тузилишга ўзгартариш киритмасдан тўғрилашга имкон бериши;

•билимлар мухандиси билан “дўстона интерфейс”ни таъминлаши.

5. Билимларни ифодалаш модули ўта ихтисослаштирилган соҳа майдони ҳақидаги билимларни чиқариб олишга хизмат қиласи. Бу билимлар эмпирик ҳарактерга эга ва шу соҳада узоқ вактдан бери ишловчи, эксперт хусусиятига эга бўлади. Бу ЭТни лойиҳалашдаги муҳим жиҳатидир.

2.1. Билимларни тақдим этиш усуллари

Билимни эгаллаш – ЭТ ишлаб чиқищдаги энг нозик босқичлардан бири. Ҳозирда билимларни эгаллашда ҳеч қандай автоматлаштирилгна воситалар мавжуд эмас.



1 расм. Билимни эгаллаш жараёни.

ЕТ ларнинг соҳа бўйича билимлари ўқув адабиётлари, ҳисоботлар, қасалликлар тарихи, тажрибий малумотлар, шахсий тажриба каби малум бир манбаалардан йиғилади. Билимларнинг ягона асосий манбаси - мутахассис-эксперт ҳисобланадо. Билимлар бўйича муҳандис бевосита эксперт билан мулокот жараёнида билимни тўплайди.

Бу жараён узлуксиз, одатда ойлаб давом этадиган тизимли интервюлар кетма-кетлигидан ташкил топган.

Билимлар муҳандиси эксперт билан ишлаши зарур, айни маулум бир вазиятда қандай йўл тутмокда, шуни кузатиши зарур. Малум бир тоифага кирувчи масалани аниқ ҳал этишда унинг услублари ва қоидалари хақида тўғридан тўғри савол бериш орқали самарали ёндошувни ташкил этиши зарур. Бу каби қоидаларни шакиллантиришда одатда экспертга қийинчиллик тугилади. Бу табиий ҳолат экспертиза парадокси дейилади. Шу сабабли асосий талаб: ўзингизнинг эксперtingиз бўлиб қолманг.

2.2. Билимларни ажратиб олиш методларни таснифлаш



2 расм. Методларни таснифланиши

2 расмда кўриниб турибдики, таснифлашда асосий принцип билим манбаасига боғлиқ. Коммуникатив услуг билимларнинг жонли манбааси эксперт билан, текстологик услублар эса хужжат, ҳисбот, дарсликларм махсус адабиётлар каби билимлар манбаасига боғлиқ. Юкори босқичда

бу гурухларга таснифланиши уларнинг қарама-қаршилиги хисобга олингган, одатда мұхандис бу услубларнинг комбинациясидан фойдаланади, масала, аввал адабиётларни ўрганади, кейин эксперт билан мунозаралашади ёки тескари.

Ўз навбатида, коммуникатив методларни иккига бўлиш мумкин: фаол ва нофаол. Нофаол метод орқали билимларни ажратиб олишда асосий ролни эксперт бажаради, билимлар бўйича мұхандис эса экспертнинг реал иш жараёнида тадбик этган коида ва услубларини кайд этиб боради ёки эксперт томонидан керакли деб баҳолангандарнингини ёзиб олади.

Фаол методларда эса аксинча, ташаббус билимлар бўйича мұхандисдә бўлади, у эксперт билан ўйин, диалог, интервю каби турли усууллар ёрдамида мулоқотда бўлади. Нофаол метод бир қарашда оддий туюлар, лекин ўз навбатида бундай метод билимлар бўйича мұхадисдан зийраклик, экспертнинг билимлар оқимини аниқ таҳлил қила олиш, билимларнинг керакли кисмларини аниқлаб олиш каби кўникмаларни талаб қиласди.

Тескари алоканинг йўқлиги (билимлар мұхандиси нофаоллиги) бу методларни самарасини камайтиради. Актив методларни эксперталар сонига боғлиқ равишда икки гурухга бўлиш мумкин. Агар уларни сони биттадан ортиқ бўлса, ҳар бир экспертта индивидуал ёндошган ҳолда гурухли мунозара методлари кўлланилади. Бу каби гурухли методлар мунозара иштирокчилари фаоллигини оширади ва улар билимларининг очилмаган кирраларини кашф этишга ёрдам беради. Ўз навбатида ҳозирги кунда индивидуал методлар етакчи бўлиб қолмоқда.

Ўйинли методлар ҳозирда социология, иқтисодиёт, менежмент, педагогика соҳаларида ўқитувчиларни, раҳбарларни ва бошқа ҳодимларни тайёрлашда кенг кўлланилмоқда. Ўйин – инсон ўзини одатий иш жараёнидан кўра анчагина эркин хис қиладиган фаолиятнинг ва ижоднинг асосий шаклидир.

2.3. Билимни эгаллаш босқичлари

Экспертдан билимни олиш ва уни кулай шаклдаги тузилмага келтириш ЭТ қуришдаги энг мұхим масалалардан биридир. Бугунги кунда бу масалани ҳал этишда мукаммал автоматлашган восита мавжуд эмас.

Билимлар мұхандиси ойлаб уни давом этадиган тизимли интервюлар жараёнида экспертдан олади. Интервю – шунчаки сухбат эмас, эксперт айни соҳадаги муаммони қандай ҳал этишини кузатиш ҳамдир. Унга “ешилга фикрлар протоколи” ёрдам беради. Жадвалда экспертан билимларни олиш методлари берилган.

Тажрибали билимлар мұхандиси ўз гипотезаларини эксперт фикрлари асосида ривожлантиради ва уларни аниклиги ҳамда тұғрилигини текширади. Бунда билимларни экспертдан олишнинг бир неча босқычлари мавжуд:

1. Иш жойида кузатиш: эксперт ўз иш жойида масалани ҳал этади, билимлар мұхандиси эса уни кузатади, пассив ҳолатда. Бу унга мұаамонинг реал кийинчилігни тәқдим этади, кейинг мулокот имкониятларини аниклаб беради. Бу метод етарлича вакт сарфи ёки касбий этикага эга бўлиш кераклиги туфайли кўп ҳолларда рад этилади.

1 жадвал.

Услуб	Тафсиф
-Иш жойида кузатиш	- Масалани ечиш босқычларини баёнлаштириш
-Масалани мұхокама қилиш	-Масалахи ҳал этишда керак бўладиган малумотлар, билимлар турини ва процедураларни аниклаш
Масалани тафсифлаш	Ҳар бир жавоб категорияси учун прототип масалани эксперт томонидан ёзиш
Масала таҳлили	- Фикрлар логикасига тасир этиш мақсадида экспертга қатор реал масалалар бериш
Тизимни созлаш	- Интервю жараёнида аникланга қоидалар ёрдамда ечиш мүмкін бўлган бир нечта масалаларни экспертдан олиш
Тизимни баҳолаш	- эТни бошқариш структураси, қоидасини ва ишлashingни текширишни экспертдан сўраш
Тизимни текшириш	ЕГ ва эксперт томонидан ҳал этилган намуналарни бошқа экспертлар баҳолаши учун бериш

2. Масалани мұхокама қилиш. Билимлар мұхандиси бир нечта репрезентатив масалаларни танлайди ва уларни эксперт билан мұхокама қиласы. Мұхокама мақсади - эксперт қандай қилиб мұаммо ҳақидаги билимларни ташкил қылмоқда, тушунча ва гипотезаларни қандай тәқдим этмоқда, ног'улік, ноаниқ, қарама-қарши фикрларга қандай мурожаат қылмоқда эканлигини аниклаш. Одатда күйдаги каби саволлар билан:

- Айни масалани шу соҳадаги бошқа типик масалалардан фарқи

- Айни масалага қайси турдаги ечимлар мос келиши
- Айни масаланы бир-бирига боғлиқ бўлмаган бир нечта ост масалаларга бўлиш мумкинми?
- Айни масалани ечиш учун қандай билимлар зарур
- Масала ечимиини тушунтириш ёки асослашда нималар керак бўлади

3. **Масалани тафсифлаш.** Билимлар мухандиси ҳар бир категорияга мос келувчи типик масалалар тафсифини олади. Бу эТ томонидан маълум бир масалани ҳал этишда кўлланиладиган масалар прототипини шакиллантиришга ёрдам беради. Ушбу ёндашув асосан ташхизлаш масалаларида кўл келади.

4. **Масални таҳлил этиш.** Билимлар мухандиси у кўллайдиган ҳал этиш йўлларини аниқлаш мақсадида экспертдан бир нечта масалаларни ечишни сўрайди. эксперт реал жараёнга якин масалаларни ечишда иложи борича кўпроқ оралиқ қадамларга бўлади. Бунда билимлар мухандиси “ичкарига” тактикасини кўллайди, яъни С натижага эришилгандан сўнг С хуносага қандай келганини сўрайди ва шу тарика мақсад сари биради.

5. **Тизимни созлаш.** эксперт мухандисга аввал оддий масалалардан тортиб бирмунча қийинроқ бўлган масалаларгасжа беради. эТ ишламагунча мухандис масалаларни экспертдан олган қоидалар, тушунч ва тузилмалар ёрдамида қоғозда ечади. Бу экспертдан олинган билимларни аниклигини ва қарама-қарши эмаслигини тезда текшириб олишга ёрдам беради. Қачонки эТ ишлай бошласа мухандис масалаларни у ёрдамида ечади.

6. **Тизимни баҳолаш.** эксперт эТнинг қар бир қоидасини таҳлил этади ва баҳолайди, қоида танлашдаги бошқариш стратегиясини текширади. Уларни айни масалани ҳал қилишдаги ўз методлари билан таққослади.

7. **Тизимни текшириш.** Билимлар мухандиси эксперт томонидан ҳал этилган намуналарни ҳамда эТ томонидан ҳал этилган айни масала прототипларини бошқа экспертга тақдим этади. Бу турли эксперталарни стратегиясини таққослаш натижасида турли қарашларни келтириб чиқарувчи томонларни топишга имкон беради.

Експерт ва билимлар мухандисининг ўзаро алоқаси (мулоқоти) шартлари:

1. Ҳар икки қатнашувчи кераклича тайёргарликка эга бўлиши
2. Експерт нафакат компетент мутахасис, балки, сўнгги натижа – эТ ни яратишдан манфаатдор шахс бўлиши керак. У мухандисга ҳамфир, ўз билимларини тушунтира олиши, унда педагогис қобиляти ҳам бўлиши зарур.

3. Мухандис эса жудаҳам “маносиз” саволлар бермаслиги учун предмет соҳаси бўйича маҳсус адабиётлар билан чукур таниш бўлиши,

эшитиш маданиятига эга бўлиши ва саволларни грамотна бера олиши, “имтихон олувчи” эмас “ўувчи” ролини ўйнай билиши зарур.

Ҳозирги кунда билимларни олишнинг автоматлашгантлизими мавжуд эмас. Турли стратегияларни кўллаш орқали экспертдан интервю олиш методилари ТЕИРЕСИАС тимини қуриш жараёнида ишлатилган (1984). Булар ёрдамида автоматик интервю олиш имкониятлари тадқик этилмоқда.

КРИПТОН тизими (1987) да билимларни олишда 2 та маъбаа кўлланилади: эксперт ва хужжатлар. экспертдан билимларни олишда интервю методи, хужатдан олишда эса протоколлашган таҳлил методи кўлланилади, лекин бунда хужжат, китоб ёки йўриқномада билимлар яхши тизимлашган бўлиши керак.

Такрорлаш учун саволлар:

1. ББда қандай билимлар сакланади?
2. ЭТнинг қайси ички тизимида ечим юзага келади?
3. ЭТнинг қайси ички тизими “шаффофлик”ни таъминлайди?
4. ББ таҳирллагичи вазифалари.
5. ЭТнинг қайси кисмлари фойдаланувчи билан мулоқотни ташкиллаштиради?
6. Билимларни ифодалаш модулидан ким фойдаланади?
7. Текстологик метод ёрдамида билимларни олишда нима унинг обекти ҳисобланади?
8. Фаол ва нофаол методлар фарки нимада?
9. Индивидуал методларга қандай услублар киради?
10. Нофаол методлар асосини нималар ташкил этади?
11. Експертга қандай талаблар қўйилади?
12. Билимлар мухандисига қандай талаблар қўйилади?

III. БИЛДИРМЕЛІКТЕРДІҢ МАССАЛАМАЛАРИ (МАНТИКИЙ МОДЕЛЛАР)

3.1. Мантиқ алгебраси ва фикрлар ҳисобиниң асасынан және аксиомалары.

Мантиқ алгебрада түғри ва сохталигни белгилаш учун И (ёки 1), Л (С ёки 0) рамзлар киритілді. Мантикий боғламалар «Или/Ёки»- \vee (дизъюнкция); «И/ВА» - (конъюнкция); «Импликация (\rightarrow)»; «эквивалентность (\sim)»; «Не/Инкор»- « - «[»,]»] рамзлар билан белгиланады. Бу рамзлар мантиқ алгебра функциялар синтаксисин ташкил этады.

1. \bar{X} (X эмес) X инкори. У “ \bar{X} сохта (0га тенг) лиги X түғри (1га тенг) лигидегі бүләди ва аксинча” фикрни ифодалайды.

2. $X_1 \wedge X_2 / X_1 * X_2$ (X_1 ва X_2) – конъюнкция.

У “Бу функция түғри бүлиши фактада X_1 ва X_2 түғрилигінде бүләди” фикрни ифодалайды..

3. $X_1 \vee X_2$ (X_1 ёки X_2) – дизъюнкция. У “Бу функция түғри бүлиши ёки X_1 ёки X_2 түғрилигінде бүләди” фикрни ифодалайды.

4. $X_1 \rightarrow X_2$ – импликация (агар X_1 у холда X_2 ёки X_1 дан X_2 келиб чыкады). У “Бу функция фактада X_1 түғри X_2 эса сохта бүлганданда сохта бүләди” фикрни ифодалайды.

5. $X_1 \equiv X_2$ ($X_1 \sim X_2$) – эквиваленция (X_1 қийматы/маъносы/ахамияты X_2 га тенг; X_1 бүлиши агар ва фактада X_2 бүлишида мумкин). У “Бу функция фактада X_1 ва X_2 иккаласы ёки түғри ёки сохта бүлганида түғри бүләди”.

Таблица истинности / Түғрилик жадвали

X_1	X_2	\bar{X}_1	$X_1 \wedge X_2$	$X_1 \vee X_2$	$X_1 \rightarrow X_2$	$X_1 \equiv X_2$
0	0	1	0	0	1	1
0	1	1	0	1	1	0
1	0	0	0	1	0	0
1	1	0	1	1	1	1

Түғри холоса чыкаш (modus ponens – м.р.) қоидасы:

A, A → B

B

У “Агар А ва $A \rightarrow B$ түғри бўлса, У холда B түғри бўләди” фикрни ифодалайди.

Иккилик ўзгарувчанларни қуллайдиган фикрлар ҳисобиниң предикат ҳисоби деб атайди. Предикат – бу мазкур иккилик ўзгарувчанлар ҳар қандай миқдордаги аргументлар функциялари.

Тескари хулоса чиқариш (modus tollens – m.t.) қоидаси:

B, A→B .

A

У “Агар B ва A→B түгри бўлса, У холда A түгри бўлади” фикрни ифодалайди.

3.2. Мантикий чиқариш түгри фикрлаш занжирини (ТФЗ) механизми.

ТФЗ механизми{“ $A_1 \Rightarrow A_2$ ”, $A_2 \Rightarrow A_3$ ”, ... “ $A_{n-1} \Rightarrow A_n$ ”} продукцион қоидаларни шарт ва оқибатларни куллаш ҳамда

уларни шарт ва оқибатларини таҳлиллаш кетма-кетлиги йўли билан хулосаларни шакллантиришдан иборат.

Шундай қилиб, ТФЗ механизми дедуктив хулоса чиқриш кетма-кетлигини(*modus ponens* қоидалардан фойдаланиб) амалга оширади:

$A_{i-1} \Rightarrow A_i$

A_{i-1} – түгри

A_i – түгри.

ТФЗ ишлашини умумлаштирилган алгоритми.

1. Тадқиқот объектни белгилайдиган

$A_i \in M$ холат ва $A_{i-1} \Rightarrow A_i$ қоидалар

тўпламини шакллантириш.

2. Дастлабки (A_1) холатни аниқлаш, ББда унга оид шарт қисмида A_1 қиймати мавжуд бўлган 1-қоидани топиш ва янги A_2 чиқариш.

3. Хар бир навбатдаги (A_i) холат учун шарт қисмида A_i қиймати мавжуд бўлган ($A_i \Rightarrow A_{i+1}$) қоидани ББда топиш.

4. Олинадиган жорий (A_{i+1}) хулосаларни (қоидалар У ХОЛДА қисми қийматларини) таҳлил қилиш ва қайта ишлаш ҳамда мавжуд холат тўпламига янги холат сифатида (қоидалар АГАР қисми қийматларига) кўшиш. Яъни $\{A_1, A_2, \dots, A_i, A_{i+1}\}$ тўпламини шакллантириш.

5. Алгоритмни 2-босқичига ўтиш.

6. Олинган холатлар тўплами учун хеч бўлмаса шарт қисмида тегишли холатни мажуд бўлган битта коида топилгунча мазкур фикрлашни давом этиш.

7. БМдаги барча қоидаларни ва улардаги холатларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жарённи тугатиш.

Олинган якуний қоиданинг кўриниши: АГАР A_1 ва A_2 ва ... ва A_{n-1} , У ХОЛДА A_n .

Мисол. Пайдо бўлган дастлабки холат: “Ҳаракат пайтда автомобиль мотори ортиқча қизиб кетаяпти (холат A₁)”.

Бу холат қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Улар, масалан, қийидаги турдаги холатлар бўлиши мумкин: A₂ – мотор учиб қолади; A₃ – моторни тамирлаш; A₄ – пул ҳаражати. Оқибатларни аниклаш учун ББда мавжуд бўлган, олдиндан қурилган ва мазкур холатларни ўз ичига олган учта қоидани кетма-кет равишда қуллаш мумкин:

1-қоида: АГАР мотор ортиқча қизиб кетган бўлса (A₁), У ХОЛДА у ўчиб кетади (A₂) .

2-қоида: АГАР мотор ўчиб кетса (A₂), У ХОЛДА уни тамирлашга тошириш керак бўлади (A₃) .

3-қоида: АГАР мотор тамирланса(A₃), У ХОЛДА бу пул ҳаражатларига олиб келади (A₄) .

ТФЗ механизми қийидаги тартибда амалга оширилади. Дастлабки A₁ холат қиймати бўича унга оид бўлган 1-қоида топилади. Унинг бажарилиши навбатдаги A₂ холатни чиқишига олиб келади. Бундан кейин шарт қисмда A₂ холати мавжуд бўлган 2-қоида топилади ва A₃ қийматли холат чиқарилади. Бу холатга оид бўлган 3-қоида топилади ва A₄ қийматли холат чиқарилади. Бу холат қийматига оид бўлган қоида ББда мавжуд эмас. Шунинг учун фикрлаш занжири тухтатилади. Олинган якуний қоиданинг кўриниши: АГАР A₁ ва A₂ ва A₃ , У ХОЛДА A₄ . Охирги хулоса: “Моторни тамирлаши учун пул ҳаражати”.

3.3. Мантикий хуросаларни чиқариш тескари фикрлаш занжири (ТскФЗ)ни механизми.

ТскФЗ механизми {“A_{n-1}⇒A_n”, “A_{n-2}⇒ A_{n-1}”, … , “A₁⇒A₂” } продукцион қоидаларни шарт ва оқибатларни қуллаш ва таҳлиллаш кетма-кетлиги йўли билан пайдо бўлган холат (хулоса, оқибат)ни сабаб(шарт)ларни аниклашдан иборат.

Шундай қилиб, ТскФЗ механизми индуктив хулоса чиқриш

A_{i-1}⇒A_i

A_i – тўғри

A_{i-1} – тўғри

кетма-кетлигини (*modus tollens* қоидалардан фойдаланиб) амалга оширади.

ТскФЗ ишлашини умумлаштирилган алгоритми.

1. Тадқикот объектни белгилайдиган A_i ∈ M холат ва A_{i-1}⇒A_i қоидалар

түплемини шакллантириш.

2. Дастребки пайдо бўлган холат қиймати (A_n)ни аниклаш, ББда унга оид хулоса қисмида A_n қиймати мавжуд бўлган охирги ($A_{n-1} \rightarrow A_n$) қоидани топиш.

3. Бу қоидани шарт қисмини тескари йўналишда тахлиллаш ва уни (A_{n-1}) қийматини топиш. У пайдо бўлган A_n холатни биринчи сабаби ва янги A_{n-1} холат сифатида чиқариш.

4. Тескари йўналишда хулоса қисмида янги A_{n-1} холати мавжуд бўлган қоидани ББда топиш ва унинг шарт қисмдаги A_{n-2} қийматни A_{n-1} холатни сабаби ва янги холат сифатида чиқариш.

5. 2-5 пп. процедураларни ББда мавжуд бўлган дастребки холат билан кетма-кет равища боғланган барча қоидаларни ишлатиб бўлмагунча ёки янги қоида учрашмагунча такрорлаш..

6. Хулоса чиқариш йўлини ташкил этадиган топилган A_1, A_2, \dots, A_{n-1} қоидалар кетма-кетлигини хар бир хулоаси умумий якуний хулоса чиқариш қоидани АГАР қисмининг ўзгарувчанларнинг бири бўлади. Улар “И” мантиқий боғлами билан мужасамлаштирилади.

7. Топилган умумий якуний хулоса чиқариш қоидани У ХОЛДА қисмига дастребки (A_n) холат қиймати ўтказилади.

Якуний хулоса чиқариш қоидани кўриниши: АГАР A_{n-1} и A_{n-2} и ... и A_1 , У ХОЛДА A_n .

Мисол: “Автомобиль жойдан кўзгалмаялти”. Унинг сабабларини аниклаш керак. Бу учун қуйидаги қоидалардан фойдаланамиз:

1-коида: АГАР аккумулятор ўтириб қолган бўлса(A_1), У ХОЛДА стартерга ток берилмайди (A_2) .

2-коида: АГАР стартерга ток берилмаса (A_2), У ХОЛДА мотор юргизиб юборилмайди (A_3).

3-коида: АГАР мотор юргизиб юборилмаса (A_3), У ХОЛДА автомобиль жойдан кўзгалмайди (A_4).

Кўрилаётган дастребки (A_4) холат 3-коидани хулоса қисмида мавжуд. Шунинг

учун фикрлашни шу қоидадан бошлаб, шарт қисмдаги A_3 холат A_4 оқибати сабаби сифатида чиқарилади. Кейин хулоса қисмда A_3 қиймати мавжуд бўлган қоида қидирилади ва натижада 2-коида топилади. Бу қондани шарт қисмидаги A_2 қиймат A_3 оқибати сабаби сифатида чиқарилади. Бундан кейин хулоса қисмда A_2 қиймати мавжуд бўлган 1-коида топилади. Унинг шарт қисмидаги A_1 қиймат A_2 оқибати сабаби сифатида чиқарилади. Кейинги қидирувлар ББда A_1 (ҳамда A_2, A_3 ва A_4) қийматларни аргумент сифатида ўз ичига олган қоидалар йўклигини кўрсатади. Шунинг учун бу ерда ТскФЗ процедуралари якунланади ва кўрилаётган пайдо бўлган холатни дастребки сабаби - “Ааккумулятор ўтириб қолганлиги” бўлади.

Якуний қоиданы күрениши:

АГАР мотор юргизиб юборилмаса (A₃)

ВА стартерга ток берилмаса (A₂)

ВА аккумулятор ўтириб қолган бўлса(A₁),

У ХОЛДА автомобиль жойдан кўзғалмайди (A₄).

Бу ерда A₃ шарти A₁ ва A₂ шартларини оқибати сифатида кўрилади.

Яъни A₃ оралиқ хулоса сифатида якуний A₄ хулосани чиқаришга асос бўлади.

Мантиқий моделлар

Мантиқий моделлар предикатларни хисоблаш тилидан фойдалана-
надилар. Биринчи предикатга *муносабатлар номи* мос тушади, далиллар
терминига зса *объектлар*. Барча предикатларнинг мантиқида ишлати-
лувчи мантиқий фикрлар ҳакиқий ёки ёлғон мазмунга эга.

Мисол: Джон ахборот технологиялари бўйича мутахассис фикрини
кўриб чиқамиз. Ушбу фикр куйидагича тасвирланиши мумкин:
хисобланади (Джон, ахборот технологиялари бўйича мутахассислик).
Келинг X-объект (Джон), ахборот технологиялар бўйича мутахассис
бўлиб ҳисобланётган бўлсин. Унда куйида форма ишлатилади:
хисобланади (X, ахборот технологиялари бўйича мутахассис).

Смит IBM фирмасида мутахассис сифатида ишлайди фикри учта
далилли предикат кўринишидан берилиши мумкин: ишлайди (*Смит, IBM
фирмаси, мутахассис*).

Мантиқий моделлар билан ишлашда қўйдаги қоидаларга амал
қилиш зарур:

1. Далиллар тартиби хар доим берилган предмет соҳасига қабул
қилинган предикатлар изоҳи билан мос ҳолда берилиши керак. Дастурчи
далилларнинг фиксиранган тартиби ҳакидаги қарорни қабул қиласди ва
бошидан охиригача унга амал қиласди.

2. Предикат далилларнинг исталган миқдорига эга бўлиши мумкин.

3. Предикатдан ташкил топган ва у билан далиллар орқали
боғланган алоҳида фикрлар, мураккаб фикрларга мантиқий боғламалар
орқали боғланиши мумкин: ВА(END, Π), ЁКИ(or, U), ЙЎҚ(not, ~), →-
АГАР..., УНДА формасини йўналтириш учун фойдаланиладиган импли-
кациялар.

Бир неча мисолларни кўриб чиқамиз:

1) Предикат номи – ҳисобланади

Ҳисобланади (Смит, АТ бўйича мутахассис) Π ўқийди (Смит,
адабиёт)

Смит АТ бўйича мутахассис ҳисобланади ва адабиётни ўқийди.

2) Предикат номи – ҳисобот беради

Ҳисобот беради (Смит, Джон)→бошқаради (Джон, Смит)

Агар Смит Джонни олдида ҳисобот берадиган бўлса, унда Джон Смитни бошқаради.

3) Предикат номи – ёзди

Ёзди (Смит, дастур) \cap NOT ишлайди (дастура) \rightarrow тўғирлаш (Смит, дастур, окшом) OR бериб юбориш (дастур, дастурчи, кейинги кун)

АГАР Смит дастурни ёзган бўлса ВА у ишламаса, УНДА Смит дастурни кечқурун тўғирлашига ЁКИ кейинги куни дастурчига бериб юборишига тўғри келади..

Фикрларда далил сифатида ўзгарувчилар ишлатилиши мумкин. Бундай ҳолатда ўзгарувчилар билан ишлаш учун **квантор** тушунчasi киритилади.

Кванторлар 2 турда бўлади:

1. Умумлик квантори \forall

2. Мавжудлик квантори \exists

$\forall(x)$, барча айрим соҳага тегишли бўлган қовусдаги ўзгарувчилар ҳақиқий бўлиши кераклигини билдиради.

$\exists(x)$ означает, x мазмунлардан фақат айримларигина ҳақиқий эканини билдиради.

\forall ва \exists бир-бирининг хоссаси бўлиши мумкин.

Мисоллар:

1. $\forall(x)(AT \text{ бўйича мутахассис } (X) \rightarrow \text{дастурчи}(X))$

AT бўйича барча мутахассислар дастурчилардир.

2. $\exists(x)(AT \text{ бўйича мутахассис } (X) \rightarrow \text{яхши дастурчилар } (X))$

AT бўйича айрим мутахассислар – яхши дастурчилардир.

3. $\forall(x)\exists(y)(\text{ходим } (X) \rightarrow \text{раҳбар } (Y,X))$

Ҳар бир ҳодимнинг раҳбари бор.

4. $\exists(y)\forall(x)(\text{ходим } (X) \rightarrow \text{раҳбар } (Y,X))$

Бир шахс борки, у ҳаммага раҳбарлик килади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Мантиқ алгебраси ва фикрлар ҳисобини асосий қонун ва аксиомалари.

2. Мантикий хулосаларни чиқариш тўғри фикрлаш занжирини механизми.

3. Мантикий хулосаларни чиқариш тескари фикрлаш занжирини механизми.

IV. БИЛИМЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МОДЕЛЛАРИ (СЕМАНТИК ТАРМОҚ)

4.1. Билимларни намойиш этиш турлари

Билимларни намойиш этишнинг иккита турга ажратса бўлади:

1. Мантикий
2. Эвристик

Мантикий моделлар асосида формал назарияни тушуниш ётади. Мантикий моделларда алоҳида билимлар (фактлар) бирликлари орасида мавжуд бўлган муносабатлар, формал назариянинг синтаксик билимлари орқали ифодаланади (масалан, предикатларни хисоблаш).

Мантикий моделлардан фарқланган ҳолда эвристик моделлар у ёки бу муаммоли соҳага специфик хусусият берадиган турли хил воситалар тўпламига эга. Эвристик моделлар мантикий моделлар ва имкониятлар ёки қобилиятларни холис намоён этишдан келиб чиқади, яъни, муаммоли соҳа ва самарали фойдаланилаётган чиқариш механизмини кўрсатишдан. Эвристик моделлар қуйидагича бўлади:

1. тармоқли
2. фреймли
3. ишлаб чиқиладиган

Билимларни намойиш этишинг биринчи турини кўриб чиқамиз

Тармоқли семантик моделлар

Семантик тармоқ бу билимларни тасаввур қилишнинг бир усулидир. Аввал семантик тармоқ психологияда узок муддатли хотирани тасаввур қилиш модели сифатида ўйлаб топилган бўлса, кейинчалик бу эксперт тизимида билимларни тасаввур қилиш усулларидан бирига айланди. Семантика-символлар ва шу символлардаги объектлар ўртасидаги умумий алокадорликни англатади.

Ушбу моделлар асосида *тармоқлар*, чўққилар, ёйлар тушунчалари ётади. Тармоқлар содда ва иерархik бўлади, чўққилар эса моҳият, объектлар, ҳодисалар, жараёнлар ёки мавжудлик тушунчаларидир. Ушбу моҳиятлар орасидаги муносабатлар ёйлар орқали тасвирланади. Тушунча сифатида одатда абстракт ва конкрет объектлар туради, муносабатлар эса бу, *қисмига эга, тегишили, севади* каби алокалардир.


Содда тармоқлар ички структурага эга бўлмайди, иерархik тармоқларда эса айрим чўққилар ички структурага эга бўлади.

Семантик тармоқларнинг характерли хусусияти бўлиб уч тур муносабатнинг мавжудлиги хисобланади:

1. Синфинг синф-элементи
2. Хосса-мазмун

3. Синф элемент андозаси

Иерархик семантик тармокларда тармокларни тармоқости (бүшлик)ларга бўлиниши назарда тутилади ва муносабатлар фақат чўккилар орасида эмас, балки бўшликлар орасида ҳам ўрнатилади.



Бўшликлар дараҳти

P_6 бўшлиғи учун бўшлиқнинг барча чўккилари P_4, P_2, P_0 , бўшликлар аждодларида ётганлари кўринади, қолганлари кўринмайди.

«кўриниш» муносабати кўпгина «имкониятлар»ни тартиблашда бўшликларни гурухлаш имконини беради.


Иерархик тармокларни график кўринишини қоидалари ёки келишувларини кўриб чиқамиз:

Бир бўшлиқда ётган чўккилар ва ёйлар тўғри ёки кўпбурчак билан чекланади;

Ёй унинг исми жойлашган бўшлиқка тегишли бўлади

P_i , бўшлиқ ичida жойлашсан P_i , бўшлиқ авлод ҳисобланади.

Семантик тармоқка мисол:




Чўкки - объектлар, ёйлар - муносабат. Семантик модел билимни тасаввур қилишини кай тарзда амалга оширишни ўз-ўзидан кўрсатиб

бермайды. Шунинг учун семантик тармоқ билимни тасаввур қилиш ва билими таркиблаш усули сифатида күриб чиқлади.

Семантик тармоқнинг кенгайиши натижасида унда бошка муносабатлар келиб чиқади:

IS - A (тегишли) ва PART OF (кисми) муносабат: бутун → кисм.

Калдирғоч IS - A күш, «бурун» PART OF «тана». Мисол учун:



Бошқа муносабатлар хам бўлиши мумкин: эгалик қилиш.

У холда семантик тармоқ иерархик (чўкки 2та шохга эга) бўлади. Бундан ташқари тармоқни бошқа муносабатлар билан хам кенгайгириш мумкин.

Давр → «бахор - ёз».

ЮКО тушунчасининг иерархик структураси хосил бўлади. Уларни чизма остиларга бўлиш мумкин. Семантик тармоқ учун хулоса натижаси аникликни кафолатламаслиги катта муаммо бўлиб, якун is - a шохи таркибини наслдан-наслга ўтиш орқали бўлади.

Объектлар ўртасидаги иерархик муносабат ўрнатиш ва семантик тармоқда ягона семантикани киритиш учун процедур тармоқ ишлатилади.

Тармоқ синф (тасаввур) асосида қўрилади; чўкки, ёйлар ва объектлар сифатида берилган процедуралар.

Маълумотлар бázасидан карорни топиш муаммоси семантик тармоқни қўйилган тармоқка жавоб берувчи, айрим тармоқостига мос келувчи тармоқ фрагментини излаш вазифасига олиб келади.

Семантик тармоқ моделининг асосий ютуғи – инсоннинг узоқмуддатли хотирасини ташкил этиш ҳақидаги замонавий тушунчалардан келиб чиқади. Моделнинг камчилиги – семантик тармоққа чиқишининг излашни мураккаблиги.

4.2. Билим олишнинг психологик жиҳатлари.

Билим олишнинг психологик жиҳатлари билимлар мухандиси ва билим манбааси – эксперт орасидаги ўзаро муносабатнинг самарали ва муваффақиятли бўлишида асосий омили ҳисобланади, сабаби билим

тўпланиши бевосита эТ яратувчилари орасидаги мулокоти натижаси хисобланади.

Шу нарса малумки, оғзаки мулокот жараёнда ахборотнинг йўқолиши қўйидагича катталикка эга:

Эксперт ўйлайди	100% ахборотни
Сўз шаклида ифодалайди	90%
Айтиб беради	80%
Ешишилади	70%
Тушунилади	60%
Билимлар мұхандиси хотирасида қолади	24%

Билимларни олсихнинг психологик жиҳатлари структураси:

- a) Алоқа қатлами
- b) Ҳаракат қатлами
- c) Ўрганиш қатлами

Билимларни эгаллашда қўйидаги тузилмавий моделни қўллашимиз мумкин:

- мулокот иштирокчилари (шериклар)
- мулокот воситалари (процедура)
- мулокот мавзуси (билим)

Алоқа қатлами. Кўпгина психологлар такидлашича, ихтиёрий коллектив жараёнга гурӯҳ иштирокчилари орасидаги атмосфера тасир этади. Тажрибалар натижасидан маълумки, дўстона мухит гурухнинг алоҳида азолари имкониятларидан кўра кўроқ натижага эришишга олиб келади. Айниска, дастурий таминон яратувчилар конкурент мухитдан кўра кооператив мухитни афзал билишади. Кооператив мухит учун ҳамкорлик, ўзароҳаракат, бир-бирини ютуғидан хурсандчилик жиҳатлари мавжуд бўлса, конкурент мухитда эса индивидуаллик, аъзолар ўртасида ракиблик хусусиятлари мавжуд (мулокотнинг энг қўйи шакли).

Жараёнга тасир қилувчи қўйидаги бир нечта шахсий характер ва хусусиятларни санаш мумкин (билимлар мұхандиси уларга эга бўлиши керак):

- дўстоналий ва яхши ниятилий
- юмор туйгуси
- яхши хотира, этибор
- кузатувчанлик
- тасаввур ва таассурот
- сабот ва тиришқоқлик
- киришувчанлик ва топқирлик
- таҳлил кила олиш
- жозибадор кўриниш ва кийиниш услуби
- ўзига ишонч

Процедура қатлами. Билимлар мұхандиси эксперт билан илмий ишонч ва ўзаро түшуниш мұхитига муваффаккиятли зришгач (алоқа қатлами), бу мұхитдан самарали фойдалана олиши ҳам керак. Бу қатламда билимларни олишнинг процедураси асосий масала ҳисобланади. Бу ерда алоқа қатламида керак бўлган зийраклик ва ёқимлиликдан кўра профессионал билимлар кўпроқ керак бўлади. Эксперт билан бўладиган сұхбат шинамгина ҳонада юзма-юз тарзда ўтиши, ҳона ёритилганилиги, ҳарорат, шинамлик бевосита кайфиятга тасир этади. Чой ёки кофе дўстона атмосферани ҳосил килади. Америкалик психолог И. Атватер бу каби сұхбатларда энг оптималь масофа 1,2 м дан то 3 м гача деб ҳисоблайди. Минимал “кулай” масофа 0,7-0,8 метр ҳисобланади.

Шахсий фикрларни реконструксия қилиш – қийни меҳнат ва шу сабабли битта сеанснинг узунлиги 1,5-2 соатдан ошмаслиги зарур. Шу икки соатни ҳам куннинг биринчи ярмида ўтқазган маъқул (масалан 10 дан 12 гача). Сұхбат жараёнида 20-25 минутларда ўзаро толикиш пайдо бўлиши сабаб орада танафусларни ҳам назарда тутиш керак.

Ихтиёрий билимлар мұхандисида ўзининг уникал сұхбат маневри бор. Кимдир тез гапирса, кимдир секинроқ; кимдри баландроқ гапирса, кимдир пастроқ ва хх. Гапириш услугбини ўзгартириб бўлмайди – у инсонда аввалдан шакилланади. Билимларни олиш эса – бу профессионал сұхбатни талаб қиласи ва бу жараёнга жумлалар узунлиги ҳам тасир килади. (тилшунос Ингве ва психолог Миллер)

Аниқланишича, инсон 7□2 та сўздан иборат жумлаларни яхши қабул қиласи. Бу сон (7□2) Ингве-Миллер сони деб аталади. Уни нутикнинг “сұхбатлилик” ўлчами деб ҳам ҳисоблашади.

Натижаларни баённомалаштиришни 3 та услугда ташкил қилиш мумкин:

- сұхбат жараёнида қоғозга ёзib бориш (камчилиги – сұхбатга ҳалал беради, стенограф кўнкимларга эга бўлса ҳам барчасини ёзив олиш қийин ҳисобланади)
- магнитафонга ёзив олиш муандисга бутун сұхбатни ва ўзининг ҳаракатларини қайта таҳлил этишга ёрдам беради (камчилиги – экспертни чеклаб кўйиши мумкин)
- Сұхбатдан сўнг хотирада қолганларни эслаб чиқиш (кучли хотирага эга аналитикларга мос келади)

Когнитив қатлам. Когнитив психология (ингл. Согнитион – дунёни билиш, англаш) инсон атроф-дунёни ўрганишда ишлатадиган методларни ўрганади. Билимлар мұхандисига когнитив психология нуткаи назаридан қуидаги маслаҳатларни бериш мумкин:

- мұхандисга кулай бўлган услугда тақдим этишга экспертни мажбурламалиги керак.

- Эксперт билан турли ҳил методлардан фойдаланиш керак, “кулф-калит” каби экспертга мөс метод бўлиши керак деган шартдан узоклашиш керак.

- Процедуранинг бош мақсадини аниқ белгилаб олиш керак, бу эксперт ва муҳандис муносабатлари ва натижада ҳосил бўладиган асосий тушунчаларга бевосита тасир этади.

- Эксперт фикрларини акс эттирувчи чизмалардан кўпроқ фойдаланиш керак. Бу муҳандис хотирасида малумотларни образли кўринишда сакланишига ёрдам беради.

4.3. Билим олишнинг гносеологик жиҳатлари.

Гносеология – фалсафада билиш назарияси ва инсон онгида мавжудлик назарияси билан боғлиқ бўлим.


Билимлар муҳандислиги фан сифатида иккиланган гносеология сифатида ифодалаш мумкин! мавжудли (D) аввал эксперт (M_1) онгида шакилланади, кейин экспертнинг фаолияти ва тажрибаси билимлар муҳандиси (M_2) ёрдамида эТнинг билимлар базасини ташкил этувчи билим (P_z)га интерпретацияланади. Мавжудликни билиш жараёни инсон онгида борлиқни англашга йўналтирилган.

D – мавжудлик

M_1 – мавжудликнинг эксперт модели

M_2 – мавжудликнинг билимлар муҳандиси модели

P_z – билимлар майдони



Билимни олиш жараёнида илимлар муҳандисини эТ куриш учун керак бўладиган экспертнинг айни соҳага оид индивидуал билимлари билан боғлиқ компоненталар қизиқтиради. Бу соҳа билимлар асосан эмперик кузатишлар асосида йигилган билимлардан иборатлиги учун эмперик деб аталади, уларни қандай қилиб умумийлаштириш кейинг масала. Билиш доимо янги тушунча ва назариялар яратиш билан боғлиқ. Кўпинча муҳандис билан сухбат давомида “йўл-йўлакай” эксперт янги

билимларни яратадыгандек. Билимлар мұхандиси қуйидаги методологик занжир ёрдамида эксперт билимларини талқин қилади:

Факт → умумлашган факт → эмперик қонуният → назарий қонуният

Билим структураси 2 кисмдан иборат:

- емперик (кузатыш, ҳодиса)
- назарий (қонуниятлар, абстракция, умумлашма)

Илмий билим критерияси. Назаря – нафақат илмий билимларни умумлашган қатий тизими, балки янги билимларни очишнинг усуллари ҳамдир.

Илмийликнинг асосий методологик критериялари куйидагилар:

- ички мослик ва түғрилик
- тизимлилік
- холисоналилік
- тарихийлік

Ички мослик ва түғрилик. Бу критерия эмперик жиҳатдан бир қараңда ишламайдыгандек. Билимнинг түлиқ әмаслиги предмет соҳасини түлиқ тафсиғланмаслиги билан боғлик

2. Тизимлилік. Тизимли ёндошув ихтиёрий предмет соҳасини бир неча ўзаро муносабатдаги кисмлардан ташкил топған ягона тизим сифатида таҳлил этишга йўналтирилган.

3. Объективлик. Билиш жарапени чукур субъектив, демак у ўрганилаётган субект хусусиясига боғлик. Субъективлик фактларни аниклаштирилганда пайдо бўлади ва обектни идеаллаштирган сари чукурлашиб боради

4. Тарихийлік. Бу критерия тараккиёт билан боғлик. Бугунни англаш – ўтмишни англаш билан боғлик.

4.4. Билимлар олишнинг лингвистик жиҳатлари

Интелектуал ахборот технологияларини яратишида асосий масалалардан бири - эксперт билимларини компьютер хотирасида адекват ифодалаш. Бу информатикада янги йўналиш, яъни инсон билими ва уни ЭХМ хотирасида тасвирлаш – билимлар мұхандислиги йўналишини яратилишига олиб келди. Билимлар мұхандислиги билимларни йиғиши, уларни таҳлил этиш ва интелектуал тизимлар учун уларни формаллаштириш масалалари билан шуғулланади. Бунда билимлар олишнинг лингвистик жиҳатлари кўриб ўтилади.

Билимлар мұхандиси ва эксперт орасидаги мулоқот бевосита сухбат орқали яни лингвистика ёрдамида амалга ошади. Бунда асосий З та асосий муаммони кўрсатиш мумкин:

1. Умумий код муаммолари.

Бизни асосан иккита тил – мұхандис тили ва эксперт тили қозықтиради. Мұхандис тили күйидеги З та ташкил этувчидан иборат:


- Тайёргарлик даврида маңсус адабийтолардан олган предмет соҳасидаги атамалар;

- Унинг назарий билимларидаги умумилмий атамалар
- Маиший сұхбат тили

Експерт тили эса:

- Ўз соҳасидаги терминалогия
- Умумилмий атамалар ва маиший тил;
- Експерт сиҳ жараёндаги неологизм - янги терминлар (касбий жаргон)

Агар икки иштирокчининг маиший ва илмий тили бир-бири билан деярли мос түшса, у ҳолда умумий код – умумий тил ўзаро муносабатнинг муваффакқиятли бўлишига химат қиласи. Кейинчалик бу умумий код предмет соҳасидаги билимлар базасини ташкил қилувчи семантис тармоқ сифатида шакиллантирилади:



Умумий кодни ишлаб чиқиши эксперт томонидан ишлатиладига атамаларни тузиб чиқиши ва уларнинг маносини аниклашдан бошланади. Одатда бу предмет соҳаси лугатини ташкил этади. Кейин уларни гурухлаш ва синонимларини аникланади. Умумий кодни шакиллантириш предмет соҳасидаги атамаларни маноси бўйича гурухлаш билан якунланади.

2. Тушунчалар структураси.

Сунъий интелект ва когнитив психология бўйича кўплаб мутахассислар интелектнинг асосий ҳусусияти – инсон онгидага барча тушунчаларнинг маълум тармоқ ёрдамида бирлашганлги деб ҳисоблайди. Шунинг учун билимлар базасида факатгина атамалар эмас балки

энсиклопедия – атамалар изоҳи ва уларнинг бир-бiri билан боғланиши мухимдир. Ушбу жараёнда билимлар мұхандиси олдидаги асосий муаммолардан бири сұхбу боғланишини ўрнатылады. эксперт ва мұхандис иш жараёнида когнитив психология натижаларига мос келувчи тушунчалар иерархиясини яратылған иборатдир.

3. Фойдаланувчи луғати

Умумий код ва тушунчалар структураси қатламидаги лингвистик натижалар адекват билимлар базасини куриш учун йұналтирилады. Шуни унутmasлик зарурки, оддий фойдаланувчи малакаси предмет соҳасидаги маҳсус тилни бутунлай тушунмаслиги мүмкін. Фойдаланувчи интерфейсini яратылғанда тизим қулай, тушунарлы ва шаффоф бўлиши учун умумий код луғатига кўшимча ишлов беришга тўғри келади.

Билимлар мұхандиси иш жараёнига салбий тасир этувчи куйидаги лингвистик муаммоларни келтириш мүмкін:

- турли тилда сұхбат қуриш
- терминларни ноадекватив интерпретация қилиш
- фойдаланувчи тили ва умумий код орасидаги фарқ йўклиги.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Семантик тармоқ нима ва у нима учун ишлатылади?
2. Семантик тармок ташкил этиш ғояси нималардан ташкил топган?
3. Семантик тармокда маълумотлар қай тарзда берилади?
4. Семантик тармоқ қуришда элементлар боғлиқлиги, таркиби ўргасида чегараланиш мавжудми?
5. Чўқкиларларни гурухлашда муносабатлар операторлар сифатида қандай муносабатлар келтирилади?
6. Билим олишнинг психологик жиҳатлари нимада?
7. “Гносеология” нимани ўрганади?
8. Нима учун билимлар мұхандислиги икки марта гносеология деб аталади?
9. Илмий билиш критеряларини нималар ташкил этади?
10. Умумий код тушунчалар структурасидан нимаси билан фарқланади?
11. Фойдаланувчи интерфейсini яратылғанда нималарни ҳисобга олиш зарур?
12. ЕТ яратылғанда қандай талаблар кўйилади?
13. Қандай ҳолатларда ЭТ куриш маънога эга?

V. БИЛИМЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МОДЕЛЛАРИ (ФРЕЙМЛИ МОДЕЛ)

5.1. Фреймли моделлар

Турли хилдаги моделлар имкониятларини ўзига боғловчи намойишларни ишлаб чиқишига интилиш, фремли намойишларни пайдо бўлишига олиб келди.

Фрейм (англ. *Frame – каркас ёки ром*) – бу айрим стандарт ҳолат ёки абстракт кўринишларни намойиш этишига асосланган билимлар структурасидир.

Ҳар бир фрейм билан куйидаги маълумотлар боғланган:

1. Фреймдан қандай фойдаланиш ҳакида;
2. Фреймни бажаришдан қандай натижалар кутиш кераклиги
3. Кутганингиз оқланмаса нима килиш керак.

Фреймларнинг юқори босқичлари фиксиранган бўлади ва ўзи билан худди шу фрейм билан тасвирланиш мөхиятини ёки ҳакиқий ҳолатларни намоён килади. Куйи босқичлар фреймни чакирганда маълумотлар билан тўлдириладиган слотлар билан намойиш килинади. Слотлар – айрим атрибутларнинг тўлдирилмаган мазмунларидир.

Шунингдек, кўринишни ёки ҳолатни намойиш қилишга йўналтирилган моделлар ҳам фрейм деб аталади.

Фрейм структурасини куйидаги тасавур қилиш мумкин:

ФРЕЙМ НОМИ:

(1-чи слот номи: *1-чи слот мазмуни*),

(2-чи слот номи: *2-чи слот мазмуни*),

.....

(*N*-чи слот номи: *N-чи слот мазмуни*).

Одатда фрейм тизимлари киритилган фреймни маълум бир ҳолатга мос келтириб бўлмайдиган холлар фойдаланиладиган ахборот кидирув тармоғи кўринишида намоён бўлади, яъни слотларга ушбу слот билан боғлик бўлган шартларни қониктира оладиган лар бириктирилмаса.

Бундай холларда тармоқ бошқа фреймни кидириш ва таклиф этиш учун хизмат қиласи.

Фремлар маълумотлар омборида сакланадиган **фрейм-намуналар** ёки прототиплар ва келиб тушаётган маълумотлар асосида ҳакиқий ҳолатларни кўрсатиш учун яратиладиган **фрейм-кўчирмаларга** бўлинади.

Фрейм модели етарлича универсал ҳисобланади, чунки у дунё ҳақидаги турли хилдаги билимларнинг ҳаммасини куйидагилар орқали кўрсатиб бериш имконини беради:

1. Объектлар ва тушунчаларни англатиб берувчи фрейм-структуралар (киритма, гаров, вексель);




2. фрейм-роллар (менеджер, кассир, мижоз);
3. фрейм-сценарийлар (инкироз, йиғилиш, акционерлар)
4. фрейм-ҳолатлар (авария, курилманинг иш режими) ва бошқалар.

Фреймлар назариясининг муҳим хосса семантик тармоқлар назариясидан ўзлаштириши ҳисобланади. Ва фреймларда ҳамда семантик тармоқларда кетма-кетлик АКО-алоқаларга (A-Kind-of=бу) боғлиқ амалга ошади. АКО слоти фреймга аниқ тартиблашмаган иерархиянинг юқори босқичини кўрсатади, яъни аналоги слотларнинг мазмунлари ўтказилади.

Инсон

Бола

Ўқувчи



5.2. Фреймлар тармоқлари

Бу ерда “Ўқувчи” тушунчаси юқори қисмда жойлашган “бола” ва “инсон” фреймлари кетма-кетлиги – хосса, сифатида келяпти. Унда “Ўқувчилар шириниликни яхши кўрадими?” деган саволга “Ха” деб жавоб бериш керак (тунки, ушбу хоссага болалар эга). Хоссаларнинг кетма-кетлиги хусусий бўлиши ҳам мумкин, шунинг учун ўқувчиларнинг ёши “бола” фреймидан тартибланмайди, чунки ўзининг шахсий фреймида ёш аниқ кўрсатилган.

Фреймларнинг асосий ютуғи у инсон хотирасининг концептуал асосини, қолаверса унинг қандай нозик ва кўркамлигини кўрсатиб бера олади.

Фреймлар Эксперт системасида

Фреймлар Эксперт системасида билимларин тасаввур килишнинг кенг таркалган формализмларидан бири. Фреймларни ячейкалар – слотлар тўпламидан ташкил топган структура сифатида қараш мумкин. Ҳар бир слот номдан ва уни ташкил этувчи тушунчалар (маънолар)дан иборат. Тушунчларни маълумот, процедуралар, бошқа фреймларга

мурожаатлардан иборат бўлиши ёки умуман бўш бўлиши мумкин. Бундай курилиш анологларни моделлаштириш, тушунчаларининг тузилиши-тури бўйича боғлаш соҳасини тавсифлаш ва ҳ.к.

Ихтиёрий фрейм ташкил этувчилар, номлар ва куйида берилган таркиблардан иборат:

1. Фрейм номи. Бу фреймга бириткирилган идентификатор бўлиб, фрейм берилган фреймли тизимда номга эга бўлиши мумкин.

2. Слот номи. Слотга бириткирилган идентификатор бўлиб, слоттишили фреймда номга эга бўлиши керак. Одатда слот номи ҳеч кандай маъноли вазифани бажармайди ва берилган слотнинг идентификатори ҳисобланади.

3. Мерос олиш кўрсатгичи. Бундай кўрсатгичлар иерархик турга эга фрейм тузилишига тегишли бўлиб, у «мавхум-аниқ» муносабатларга тааллукли. Улар юкори даражага фреймлари куйи даражага фреймларидан худди шу номдаги слотлари мерос олишини слот атрибутлари ҳакида маълумотларни кўрсатиб беради. Мерос олиш кўрсатгичлари: ининг Unique (U: - аъло), Same (S: худди шу), Range (R: чегаранинг ўргатилиши), Override (O: игнорировать) ва ҳ.к. фрейм турли маънодаги слотларни олиши мумкинлигини кўрсатади. S -барча слотлар бир хил тушунчаларни олиши мумкин, R -куйи даражага фрейм слотлари кўрсатилгун тушунча билан юкори даражага фрейм чеграсида туриши кераклигини кўрсатади.

4. Маълумот тури кўрсатгичи. FRAME (кўрсатгич), INTEGER (бутун), REAL (хакикий), BOOL (булев), LISP (бирлаштирилган процедура), TEXT (матн), LIST (рўйхат), TABLE (жадвал), EXPRESSION (мурожаат) ва ҳ.к.

5. Слот маъноси. Слот маъносини киритувчи пункт. Слот маъноси бу слот маълумотининг берилган турига мос келиши билан бирга мерос олиш шартини ҳам бажариши керак.


6. Демон. Бунда IF-NEEDED, IF-ADDED, IF-REMOVED типидаги демонларининг аникланилиши берилади. Демон деб, маълум шартларнинг бажарилиши натижасида автомат равишда ишга тушадиган процедурага айтилади. Демон мос келувчи слотга мурожаат амалга оширилганда ишга тушади. Демон бирлаштирилган процедуралар тури ҳисобланади.

7. Бирлаштирилган процедура. Слот турига караб процедура туридаги дастурларни ишлатиш мумкин.

8. Иерархик тузилишнинг ўзига хос томони шундан иборатки, юкори боскичдаги фрейм атрибутлари ҳакидаги маълумот куйи даражадаги барча у билан боғлиқ фреймлар томонидан ишлатилади. Масалан: Конференция ҳакида фремли тасаввур.

Иерархик фреймли структура фреймлараро IS-A муносабатни базалаштириб, у кандайдир бир конференцияни тавсифлайди. Барча фреймлар САНА, ЖОЙ, МАВЗУНИИГ НОМЛАНИШИ, МАЪРУЗАЧИ ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Шу йўл билан юкори даражада КОНФЕРЕНЦИЯ фрейми аниқланади.

Конференциялар иктисодий ва ривожланишига караб ажратилади. Уларга слотлар кўшилиши мумкин: тижорат хажми ва бюджет.



3-расм. Фрейм моделга мисол.


5.3. Билимларни структуралаш

Билимлар базасида билимлар таркиби қуйидаги саволлар ёрдамида аниқланади: қандай билимлар кўрсатилиши керак ва билимлар таркиби нимага боғлик.

ББ билимлар таркиби қуйидагиларга боғлик булади:

1. Муаммоли соҳа
2. ББ тизими структураси
3. фойдаланувчилар талаби ва мақсадлари
4. сухбатлашиш тили

Интеллектуал ахборот тизимларининг умулашган схемаси қуидагича:



Демак интеллектал ахборот тизимлари ишлаши учун қуидаги билимлар керак булади:

1. Масалани ечиш жараёни ҳақидаги билимлар (бошқарувчи билимлар, интерпретатор томонидан фойдаланилади);
2. Лингвистик процессор томонидан фойдаланиладиган диалогни ташкиллаштириш усули ва сұхбат тили ҳақидаги билим;
3. Билимларни модификациялаш ва күрсатиш усууллари ҳақидаги билимлар;
4. Тушунтирувчи компонента томонидан фойдаланиладиган структуралашган билимларни қуллаб құватлаши.

Билимлар таркибини талабтарға боғлиқтік қуидагича аникланади:

1. Фойдаланувчи қандай маълумотлар туплами билан ишламоқчи ва умумий вазифалар тупламидан бажарыладиган вазифалари;
2. Масалани ечишни қайси усууллари ва методлари қулайроқ;
3. Қандай натижалар сони ва ечиш усууллари чекланғанда масалани ажариш мүмкін;
4. Мулоқот тилига ва ўзаро диалогни ташкиллаштиришга қуйилған талабтар

5. Умумлашганлық даражаси ёки муаммоли соҳа аниклиги

6. Фойдаланувчи максадлари қандай

Предмет соҳаси бу обектлар туплами булиб, уларнинг хусусиятлари ва улар уртасидаги муносабарлатни характеристерлайди. Предмет соҳасини ташкил этувчи маълумотлар соҳасига қараб аник, якынлаштирилған, күпмаъноли, түлиқ ёки хато бўлиши мүмкін.

Фан соҳаси статик ва динамик кисмларга булинади.

Куплаб мавжуд интеллектуал тизимлар статик предмет соҳасини қараб чиқади.

Статик соҳага мисол сифатида касалликлар белгисини сакловчи ва ушбу белгилар асосида диагноз қўйиш қоидалари ҳақида маълумот сакловчи соҳани келтириш мумин.

Динамик соҳалар қўйидаги типларга ажратилади:

1. Вақт буйича ўзгармас обектларни фазодаги жойлашуви факат эътиборга олинувчи кўринишлари (одатда робототехникада фойдаланилади, бунда динамик раъфишда фазо буйича ўзгаришлар содир булади);

2. Вақт буйича обектнинг ўзгариши эътиборга олинади, лекин фазога нисабатан ўзгаришлар қаралмайдиган куринишлари (касалнинг вақт буйича ҳолатлари эътиборга олинувчи тизим мисол булади);

3. Обектнинг вақт буйича ўзгариши ҳамда фазодаги ўзаро таъсирлари қаралувчи кўринишлари.

Предмет соҳасининг вазифалари қўйидаги турларга ажратилади:

1. Предмет соҳасининг тахлилий масаласи

2. Предмет соҳасини алмаштириш масаласи

3. Предмет соҳасини танлаш ёки аниқлаш масаласи

Тахлил масаласи – бу жорий предмет соҳани аниқлаштиришдан олдин амалга оширилади. Аниқ статик предмет соҳада курилиши мумкин булган масалалардан энг оддий масала тахлилини амалга ошириш мумкин. Бунда унинг ечиш давомида маълумотлар қушиб борилмайди, яни ўзгартирилмайди ёки учирilmайди.

Алмаштириш масаласи – бунда предмет соҳанинг бир ҳолати бошқа предмет соҳага алмашиш масаласи қаралади. Бунда ҳосил булавчи янги предмет соҳа мавжуд предмет соҳа чегараларидан чиқиб кетмайди. Шунингдек бир қанча муаммолар вужудга келади: предмет соҳани алмаштириш мумкинми ва уни қандай алмаштириш керакки масала ечимларини барчасини қамраб олсин. Алмаштиришда маълумотлар иш соҳасига тушади ёки чиқиб кетади, маълумотлар янги ҳолатга утганда янги предмет соҳага мос келиши керак.

Аниқлаш масаласи – бунда тизим ечиш давомида бир алтернатив соҳадан бошқасига ўтади. Аниқлаш масаласини ечишда ахборотни тўлиқмаслик муаммосини бартараф этувчи ва ечимни кидириш жараёнини давом эттириш имконини берувчи дастурдан фойдаланиш керак. Бу ахборотлар аниқ фактларга тескари булмаслиги керак. Бу мослигни қониктирмаслиги бошқа алтернатив соҳага ўтишини заруриятини уйғотади.

ББда билимлар структурасини куриб чиқайлик:

Билимнинг интерпретасияланувчи тури – бу интерпретатор томонидан аниқлаш мумкин булган тур. Бу тур ўз ичига предмет


билимларини, бошқарув билимлар ва кўриниш билимлари (биргаликда метабилимларни ташқл этади) ни ўз ичига олади.

Кўрсатиш билимлари тизимда интерпретасияланган билимлар қандай кўринишда жойлашгани ҳақида ахборот саклайди. Предмет соҳа кўрсаткичлари предмет билимлар ҳақида аниқ маълумотлар масалан, қоидаларнинг, маълумотларнинг аниклик коеффициенти, катталиклар муҳимлиги ва мураккаблиги саклайди.

Операцион билимлар масалани ечиш давомида предмет соҳани тавсифини қандай ўзгатириш мумкинлиги ҳақида ахборот саклайди. Бу билимлар қайта ишлаш проседураларини белгилайди.

Юналтирилган билимлар қайси билимни қандай ҳолатда фойдаланиш тўғрисида ахборот саклайди. Одатда юналтирилган билимлар мавжуд гипотезаларни текширишда фойдаланиш мумкин булган билимлар ва гипотезалар ҳақида маълумотларни саклайди.

Хал этувчи билим берилган масалани энг эфектив раъфишда ечишда фойдаланилади.



Иккинчи турдаги билимлар (интерпретасияланмайдиган) ечувчи блокка номаълум булиб, ёрдамчи ва қуллаб кувватловчи турларга булинади.

Ёрдамчи билимлар тил грамматикаси ва лексикаси тўғрисида шунингдек диалог структураси ҳақида ахборот саклайди.

Куллаб кувватловчи билимлар тизимни яратища ва тушунтириш олиб бориша фойдаланилади.

Технологик билимлар билимлар яратилиш ҳақида маълумотлар сақлайди.

Семантик билимлар – тилни тавсифловчи билимлар. Улар ўз ичига билимларни киритиш сабаби, уларни юналтириш, фойдаланилиш усуслари ва олинган натижалар ҳақида маълумот сақлайди.

5.4. Билимларни шакллантириш

Билимларни ташкиллаштириш дейилганда билимларни структуралаш тушунилади. Улар куйидагича ташкиллаштирилиши мумкин:

1. билимларни кўриниши ва маълумот даражасига кўра ташкиллаштириш;
2. Тизимнинг ишчи хотирасида билимларни ташкиллаштириш
3. ББда билимларни ташкиллаштириш

Кўриниш босқичи уч босқичдан ташкил топиши мумкин:

Нулинчи босқич– муаммоли соҳа ҳақидаги билимларни сақлайди
Биринчи босқич метамаълумотларни сақлайди,

Иккинчи босқич– биринчи босқичдаги билимлар ҳақида маълумот сақлайди.

Билимларнинг маълумот бериш даражаси уларни турли даражаларга ажратиш имконини беради. Асосан маълумот даражаси буйича З босқичга ажратилади:

1. Умумий ташкиллаштириш даражасига кўра
2. Билимларни мантиқий ташкиллаштирилишига қараб
3. Билимларни физик ташкиллаштирилишига қараб

Интеллектуал тизимларнинг ишчи хотирасида аниқ маълумотлар сакланади. Ишчи хотирадаги маълумотлар изоляцияланган (ишчи хотира кўплаб кичик элементлар тупласмидан иборат) ва боғланган (ишчи хотира бир ёки ундан ортиқ мураккаб элементлардан иборат) кўринишда булиши мумкин. Мураккаб элементлардан ташкил топган ишчи хотиralарда элементлар ўртасидаги боғланиш семантик муносабатлар кўринишида тасвирланган. ББ шундай ташкиллаштирилиши керакки зарур вақтда боғланган билимларни тавсифлаш ёки фойдаланиш мумкин бўлиши керак. Шу сабабли билимларни ташкиллаштиришин уч хусусиятини белгилаш керак:

1. билимларнинг боғлиқлиги
2. билимларга эгалик қилиш механизми
3. мослаштириш усули

Билимларнинг боғлиқлиги ёки агрегацияси – боғлиқ билимларни қидиришни тезлаштирувчи асосий усул. Билимлар энг асосий обектлар ёки предмет соҳа мазмуний асосида ташкилаштирилиб, алоҳида блоклар кўринишида тасвирланади ва боғланади, шунда обектнинг билими ҳакида қидирувда обектга мос блок ичидаги қидирув амалга оширилади. Блоклардаги боғланишлар ташки ва ички булади. Ички боғланишлар блок структурасини тавсифлайди, ташки боғланишлар улар уртасидаги боғликларни курсатади.

Ташки боғланишлар мантикий ва ассоциатив турларга ажратилади.

Мантикий боғликлар билимлар элементлари ўргасидаги семантик боғланишларни курсатади.

Катта ББ ишлашда асосий муаммо бу билимларни қидириштирди. Бунда умумий эгалик қилиш механизми зарур. эгалик қилиш механизми масаласи бу обектнинг бирор хусусияти орқали, ишчи хотирадаги ББ ушбу хусусиятни қаноатлантирувчи блокни топиш.

Бу жараён икки босқичга ажратилиши мумкин:

1. Ассоциатив тил ёрдамида ББ мавжуд номзодлар ёрдамида керакли обектларни танлови
2. Мавжуд номзодларнинг обект хусусиятлари билан таққослаш орқали натижавий обектни танлаш.

Таққослаш усули танланган обектни тўғрилаш ва тасдиқлашда фойдаланилиши мумкин. Номаълум обектни тасдиқлаш учун маълум намуналар билан таққосланishi мумкин.

Таққослаш амали кўйидаги куринишларда булиши мумкин:

1. Синтактик
2. Параметрик
3. Семантик
4. Мажбурий

1. Синтактик таққослашда обект таркиби эмас, балки куринишлари ёки намуналари таққосланади

2. Параметрик таққослашда таққослаш даражасини белгиловчи параметр киритилади

3. Семантик таққослашда обект куриниши эмас, балки таркиби функциялари таққосланади

4. Мажбурий таққослашда бир обект бошқа обект нуқтаи назаридан каралади. Бошқа таққослаш усулларига қарагандга бу усулда ҳар доим ижобий натижага олиш мумкин. Бунда асосий савол: мажбурлаш кучи кай даражада? Мажбурлаш обект тавсифлари билан боғлиқ маҳсус проседураларни бажаради. Агар ушбу проседуралар таққослашларни амалга ошира олмаса тизим фойдаланувчига қаралаётган обектларнинг аник хусусиятлари мос булса ижобий натижага эришиш мумкинлиги ҳакида ҳабар беради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Фрейм нима ва уни ташкил этувчи кисмлар?
2. Слот нима ва у қандай кисмлардан ташкил топган?
3. Фрейм номи ва слот номи нима учун хизмат қилади?
4. Мерос олиш күрсатгичи нимага хизмат қилади?
5. Демон, маълумот тури күрсатгичи нимага хизмат қилади?
6. Бирлаштирилган процедура ва слот тушунчаси нимага хизмат қилади?
7. Билимлар таркиби нимга боғлик?
8. Интеллектуал тизимлар фаолият юритиши учун қандай билимлар зарур?
9. Предмет соҳанинг хусусиятлари
10. Предмет соҳанинг вазифалари қандай турларга ажратилади?
11. Билимлар структурасини тавсифланг
12. ББда билимлар қандай ташкиллаштирилган?

VI. БИЛИМЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МОДЕЛЛАРИ (МАХСУЛИЙ МОДЕЛ)

6.1. Махсулуй моделлар

Анъанавий дастурлашда агар i -чи гурух шохланиш гурухы бўлмаса, унда унинг кетидан $i+1$ -чи гурух давом этади. Дастурлашнинг бундай усули ўрганилаётган билимларнинг таҳлил қилиш кетма-кетлигига оз микдорда боғлик бўлган ҳолатларда кулагай ҳисобланади.

Акс ҳолда эса дастурни намуналар билан бошқариладиган эркин моделлар мажмуи сифатида кўриб чиқсан маъкул. Бундай дастур таҳлилнинг хар бир қадамида қайси модул ушбу ҳолатни таҳлилига мос келишини аниқлаб боради. Ушбу ҳолатни таҳлил қилишга намуналарни бошқариш модули мос келади.

Намуналарни бошқариш модули битта ёки бир нечта структурани модификация қилиш ва изланиш механизмидан ташкил топади. Хар бир бундай модул маълум бир ишлаб чиқиладиган қоидани ташкил қиласди. Бунда бошқарув вазифасини интерпретатор амалга оширади. Билимларни намойиш этиш нуктаси назаридан қараганда, намуналарни бошқариш модулига ёндашиш куйидаги хусусиятлар билан характерланади:

1. доимий билимларнинг маълумотлар омборида сакланувчи ва ишчи хотирадаги вактинчалик билимларга бўлиниши

2. модулларнинг структуравий эркинилиги

3. муаммоли соҳа ҳақидаги билимларни ташувчи модуллардан бошқарув схемасининг ажратилиши.

Бу бошқарувнинг турли хил схемаларини ташкил этиш ва кўриб чиқиш имконини беради, шунингдек, билимларни ва тизимларни модификация қилишни осонлаштиради.

6.2. Махсулуй қоидалар

Билимлар базасини амалга оширишнинг энг кўп тарқалган шакларидан бири – билимларни махсулуй қоидалар тассавур қилишдир.

ББ амалга ошириш (реализацияси)нинг энг кенг тарқалган шакли – билимларни махсулуй қоидалар ёрдамида тақдим этиш. Махсулуй модел ёрдамида истаган билимлар тизимини тавсифлаш мумукин.

Махсулуй моделлар (тармоқли моделлар қаторида) ахборот тизимларида билимларни тақдим этишининг кенг тақалган воситаларидан бири ҳисобланади.

Махсулуй қоидалар импликация кўринишида тақдим этилади:

• $p_i : s_i \rightarrow d_i$

бунда p_i – махсулот қоидаси

si – қоида қўллаш шарти
di – қоида қўллаш натижаси.

Махсулий (продукция) қоидалар асосидаги билим моделлари, фрейм моделлари биргаликда, кенг тарқалган моделлар деб ҳисобланади. Улар билимларни “АГАР – У ХОЛДА” шаклда тасвирлайди. Қоидани “АГАР” қисми қоидани кулланиш қатор шартларни, “У ХОЛДА” қисми эса – шартлар бажирилган холда амалга ошириладиган тегишли харакат, хуносани шакллайди.

Масалан:

АГАР телетасвир контрасти(ёруғлиги) паст бўлса ВА вақти билан пасайса

ВА у негатив(тескари) тасвирга айна бошласа,
У ХОЛДА кинескоп ишдан чиқди, уни алмаштириш керак.

Мисол:

АГАР пациент грипп билан касалланган бўлса ВА касаллик даражаси = бошлангич,

У ХОЛДА 0,95 эхтимоли билан унинг харорати баланд ВА 0,85 эхтимоли билан бош оғриғи

Махсулий тизимлар З асосий компонентдан ташкил топган:

1. қоидалар тўплами (билимлар базаси),
2. ишчи хотира (хуноса натижалари ва аниқ масалаларни ечишга тахминлар сақланади),

3. мантикий хуноса механизми (қоидани ишчи хотиранинг маъносига мос тарзда қўллайди).

Ишчи хотирада символлар тўплами кўринишида намуналар сақланган бўлсин. Масалан, “бажаришга харакат (намерение) – дам (отдых)”, “дам олиш жойи - тоғлар”-ва хоказо.

Қоидалар базасида йигилган қоидалар ишчи хотиранинг мазмунини ташкил этади. Уларнинг шартли қисмларида ёки битталик намуналар ёки ВА билан бирлаштирилган бир қанча намуналар жойлашган, якуний қисмida эса ишчи хотирада кўшимча киритилган намуналар жойлашган.

Масалан:

Қоида 1: Агар “бажаришга харакат - дам” ВА “йўл баланд-паст”,
Унда “машинадан фойдаланилсин”.

Қоида 2: АГАР “дам олиш жойи - тоғлар”,

Унда “йўл баланд - паст”.

Аввал хуносалар механизми қоиданинг шартли қисми намуналарини ишчи хотира намуналари билан такқослайди. Агар ишчи хотирада барча намуналар бор бўлса, унда шартли қисм “ҳақиқий” ҳисобланади, бошқача бўлса “ёлғон”.

Ушбу мисолда “йўл баланд - паст” биринчи қоидадан ишчи хотирада йўқ. Шунинг учун биринчи қоиданинг шартли қисми ёлғон ҳисобланади. 2-қоидага келсак унинг шартли қисми “ҳакиқий” ва “йўл баланд-паст” ишчи хотирага киритилади.

Бу қоидаларни иккинчи марта қўллашга харакат килинганда, факат 1-қоидани қўллаш мумкинлиги келиб чиқади, чунки 2 қоида аввал қўлланган ва кандидатлар ҳисобидан чиқариб юборилган. Бу вақтга келиб ишчи хотира 2-қоида натижаси билан тўлдирилди – “машинадан фойдаланилсин”. Натижада қоидалар бошқа қолмайди ва тизим тўхтатилилади.

Келтирилган мисолда хulosага эришиш учун ишчи хотирадан аввалидан ёзилганларни чиқариш, хотирага жойлаштирилган қоидаларни қўллаш ва тўлдириш бўйича иш олиб борилди. Бундай хulosалар тўғридан – тўғри (прямые) деб аталади.

Тасдиқни талаб этувчи далилларга асосланган бошқа усулда тасдиқка керак бўлувчи қоидаларни қўллаш мумкинлигини текширилади ва у қайтма хulosса деб аталади. Унда далиллар тўлдирилмайди.

Ҳам тўғридан-тўғри ва ҳам қайтма хulosалар бўлганда сигналлар тўхтатилилади. Агар бирламчи мақсадга эришилса ёки мақсадга эришиш учун қўлланадиган қоидалар тугаса сигналлар тўхтатилилади.

Тўғи хulosада

- маълумотлар базасидаги мавжуд маълумотларнинг битта элементи танлаб олинади ва солиштириллади. Солиштириш натижасида бу элемент қоиданинг чап қисмiga мос келса,

- У холда қоидага мос хulosса чиқарилади ва маълумотлар базасига жойлаштириллади ёки қоидадан келиб чиқадиган харакат амалга оширилади. Шу тариқа маълумотлар базасини ташкил этувчиси ўзгартирилади.

Тескари хulosада:

- Жараён қўйилган мақсаддан бошланади.
- Ага бу мақсад қоиданинг ўнг қисми билан мос келса (хulosса), у холда қоиданинг чап қисми куйи мақсад ёки гипотеза деб қабул қилинади.
- Бу жараён куйи мақсадлар билан маълумотлар мос келмагунча тақрорланади.

6.3. Махсулий тизимларнинг кучли тарафлари

- Соддалик, равшанлик, модуллик, параллеллик, ифодалайдиган соҳани кенглиги;
- Структураларнинг бир хиллиги (турли муаммоли йўналишларнинг интеллектуал тизимларини куриш учун махсулий тизимларнинг асосий компонентларини қўллаш мумкин).

- табиийлик (махсулий тизимларда хulosса чиқариш экспертнинг фиклаш жараёнига ўхшашлиги)
- Наслдорлик иерархияси тушунчасининг эгилувчанлиги қоидалар орасидаги алоқаларни кўллаб-куватлади
- Алоҳида олинган қоидаларни яратиш ва тушуниш оддийлиги;
- Тўлдириш ва ўзгартиришининг оддийлиги;
- Мантикий хulosса чиқариш механизмининг оддийлиги.
- Махсулий ёндашувни амалга оширувчи (реализация) кўп сонли дастурий воситаларнинг мавжудлиги.
- OPS5, EXSYS RuleBook, ЭКСПЕРТ, ЭКО, G2

6.4. Махсулий тизимларнинг кучсиз тарафлари

- Кўп микдорли қоидалардаги коррект (нозидлик, тўғри) продукцион тизимларни қуриш қийинлиги
- Бошқа тизимларга нисбатан хulosса чиқариш механизми самарадорлиги пастроқ, чунки қоидаларнинг мослигини текшириш учун жуда хам кўп вақт талаб қилинади.
- Тушунчалар иеархиясининг наслдорлигини тақдим этишининг мураккаблиги;
- Қоидаларнинг ўзаро муносабатининг тушунарсизлиги;
- Билимлар образининг бутунлигини баҳолаш мураккаблиги;
- Инсоннинг билимлар структурасидан фарқлилиги;
- Мантикий хulosса чиқаришда эгилувчанликнинг мавжуд эмаслиги.
- Билимларни махсулий моделлар ёрдамида тақдим этишини баъзан «яссилик» дейилади, чунки махсулий тизимларда қоидалар қоидала иеархиясини ўрнатиш учун воситалар мавжуд эмас.
- Махсулий тизимларнинг билимлар хажми унга билимларнинг янги фрагментиши киритилиши бўйича чизикли ўсади. Ечимлар дарахтини кўлловчи ананавий алгоитмик тизимларда билимлар базаси хажми ва билимлар микдори оасидаги тобеълиги логарифмик хисобланади.

6.5. Ишончлилик коэффиценти (КУ)

КУ наниқ мантиқ номи билан математика соҳасида ишлатилади. КУ -1 дан 1 гача бўлган белгаларга эга бўлиши мумкин. Манфий КУ белгиси нотўғри қоиданинг ишончлилик даражасини, мусбат белги эса тўғрилигини кўрсатади. КУ=-1 қонуни мантиқка эга эмас.

Келтирилган КУ қоидаси 0,9 га бирликга тенг бўлса ҳам, қоиданинг биринчи шартига кўра 0,6 га тенг КУ фоиз кўрсаткичи пасаётганини такидлаш керак эмас. Бундан ташқари, агар солик тебранса (иккиланса)

(ё ортиб ё камайса) КУ 0,8 га тенг бўлсагина солиқнинг камайтиришни таҳмин қилиш мумкин. Ундан ҳолда қоидани қўйдагича изоҳлаш мумкин:

**ЕСЛИ ПРОЦЕНТНЫЕ СТАВКИ = ПАДАЮТ (КУ = 0.6) И
НАЛОГИ УМЕНЬШАЮТСЯ (КУ=0.8),
ТО УРОВЕНЬ ЦЕН НА БИРЖЕ = РАСТЕТ (КУ правила = 0.9)**

Агар фоиз ставкаси = (КУ = 0.6) пасайса ҳамда солиқлар (КУ = 0.8) камайса, биржадаги нарх даражаси= ўсади (КУ қоидаси = 0.9)

Ишочлилик коэффиценти ҳисобланган биржадаги нарх даражаси кўйдаги тарзда ҳисоблаб чиқилган ҳолда ўсиб бориши мумкин: агарда И мантикий оператори тақсимлаган қоиданинг ҳамда барча қоидалар учун КУ кўпайтирилсагина шартли равишда минимал КУ танланади.

$$(\min(0.6, 0.8)) * 0.9 " 0.6 * 0.9 = 0.54$$

Ишочлилик коэффиценти ҳисобланган биржадаги нарх даражаси кўйдаги тарзда ҳисоблаб чиқилган ҳолда ўсиб бориши мумкин: агарда И мантикий оператори тақсимлаган қоиданинг ҳамда барча қоидалар учун КУ кўпайтирилсагина шартли равишда минимал КУ танланади.

$$(\min(0.6, 0.8)) * 0.9 " 0.6 * 0.9 = 0.54$$

Демак, КУ = 0,54 тенг бўлганда биржадаги нарх даражаси пасайади дейиши мумкин. Биржадаги нарх даражасининг ўсиши тўрисидаги, бирок бошқа бир талай шартларга эга мантикий хулоса билан яна бир қоидани оладиган бўлсак, биринчи ва иккинчи қоиданинг хулосаси учун КУ нинг максималини танлаш лозим. Бир қарашда бу жуда мураккаб дек кўринади, шу сабабли мисол келтирамиз.

Энг аввало умумий принципларни ифодалаб оламиз.

1. И мантикий оператори орқали бўлимларга ажратилган шартли қоидалар учун КУ дан максимал КУ белгисини танлаш.

2. Агар қоидада ИЛИ оператори бўлса, ИЛИ ператори билан бояланган И мантикий оператори орқали бўлимларга ажратилган шартли қоидалар учун КУ дан максимал КУ белгисини танлаш.

3. КУ қоидасини танланган КУ га кўпайтириш.

4. Агарда бирхилда мантикий хулосага эга бир неча қоидалар мавжуд бўлса, барчасини орасидан максимал КУ ни танлаб олиш керак.

Бир хилда С мантикий хулосага эга иккита қоидани кўриб чиқамиза:

Агарда А (КУ=0.3) ва В (КУ=0.6) бўлса, у холда С (КУ=0.5)
агарда D (КУ=0.4) ва Е (КУ=0.7) бўлса,
у холда С (КУ=0.9) бўлади.

Келтирилган С мантикий хulosаса учун КУ қоидаларида куйдагича ҳисобланади:

$$\text{maximum}((\text{minimum}(0.3, 0.6) * 0.5), (\text{minimum}(0.4, 0.7) * 0.9)) = \text{maximum}((0.3 * 0.5), (0.4 * 0.9)) = \text{maximum}(0.15, 0.36) = 0.36$$

Мисол тариқасида ИЛИ мантикий операторининг фойдаланиш билан келтирамиз:

Агар А (КУ-0.3) ва В (КУ-0.6) ёки D (КУ-0.5) бўлса, у холда С (КУ-0.4) бўлади.

Юу мисолда С мантикий хulosаса учун КУ куйдагича ҳисобланади:

$$\text{maximum}(\text{minimum}(0.3, 0.6), 0.5) * 0.4 = \text{maximum}(0.3, 0.5) * 0.4 = 0.5 * 0.4 = 0.2$$

6.6. Ишончлилик коэффицентининг чекловли белгиси

Аввалдан кўпгина холатларди ишончлилик коэффицентининг чекловли белгиси берилган. Мантикий хulosаса аввалдан топшилиган чекловли белгидан КУ нинг ортиб кетган шароитидагина тўғри деб топилади. Билимлар базаси билан ишлар мантикий хulosаса ишончлилик коэффицентининг белгиси чекловли белгидан ортсагина дақом эттирилади. Иш жараёнрида аниқ ҳисоб китоб ишлари олиб борилади. Фараз қилийлик, айrim КУ мантикий хulosаси учун 0,4 га teng. Бу белги ёдда сакланади. Сўнг у КУ чекловли белгиси билан таққосланади (масалан у 0,8 teng бўлсин).

Саклаб қолинган бирлик чекловли белгидан камроқ бўлиб чиқди, шу сабабли билимлар базаси билан ишлар давом эттирилади. Билимлар базаси билан-ишлиш жараёнида айнан ўша мантикий хulosаса, янги қоида учун КУ аввал саклаб қолинган КУ белгисининг 1 минусга кўпайтирилади, ҳамда натижা аввал саклаб қолинган КУ га кўшилади. 1 га teng КУ бирлиги хulosанинг тўғрилигига бўлган тўла ишолчдан далолат беради. Сўнг саклаб қолинган КУ бирлиги чекловли белги билан таққосланади, агарда у ошиб кетса, мантикий хulosаса амалга оширилади. Акс ҳолда билимлар базаси билан ишлар давом эттирилади. Юқорида айтилганларни куйдаги tengлик ёрдамида қайд этиш мумкин:

Сакланган КУ = аввал сакланган КУ + (1-аввал сакланган КУ) * КУ. янги қоидаси

Масалан:

КУ нинг чекловчи белгиси = 0,8 Қоида: агар А бўлса, у холда В (КУ=0,6)

сакланган КУ: 0,6 Янги коида: Агарда С бўлса, у холда В ($KU=0,7$) сакланган $KU=0,6+(1-0,6)*0,7=0,88$ (чекловчи белги ортиқ бўлиб, хуроса чиқарилади).

Такрорлаш учун саволлар:


1. Продукция коидаси нима ва у нима вазифани бажаради?
2. Фикрлашнинг тўғридан-тўғри усули билан тескари усули ўргасидаги фарк нимадан иборат?
3. Продукцион тизим қандай кисмлардан ташкил топган?
4. Билимни тасаввур килишда продукцион система қисмларининг ишлатилишининг аҳамияти?

VII. ФИКРЛАШНИНГ ТҮГРИ ВА ТЕСКАРИ ЗАНЖИРИ

7.1. Фикрланишнинг түгри занжири

Аниқ фактлар бўйича хulosса кидириладива ишчи хотира тўлдирилади. Бу иккинчи қоиданинг бажарилишига олиб келади. С & О—» F, ва «F» факт билимлар базасига жойлаштирилади. Бунда базадаги қоидалар кайтадан текширилади.

Биринчи бўлиб, $F \& B \rightarrow Z$ қоидаси бажарилади, кейин эса Z билимлар базасига юклатилади. Бу усул фикрлашнинг тўгридан-тўгри усули хисобланади, янги маълумот кидируви қоидани ўнг ва чап кисмларга бўлувчи стрелка йўналиши бўйича амалга оширилади.



Бу усулнинг бир неча нокулайликлари мавжуд. қоидалар микдори бир канча бўлса, Z билан боғлик маълумотни кидириш учун Z боғлик бўлмаган бир қанча қоидани бажариш керак. Бундай вазиятда бу усулдан фойдаланиш ортикча вақт ва сарф-ҳаражаттага олиб келади.

Тўгри занжирли хulosса чикариш билан умумлаштирилган умумий алгоритми.

Тўгри занжирли фикр юритувчи система ишлшининг умумий алгоритмини куйидагича келтириш мумкин:

1. Бошлангич холатни аниклаш.
2. Шарт узгарувчисини мантикий чикариш навбатига жойлаштириш унинг кийматини эса узгарувчила руйхатига.
3. Узгарувчилар руйхатига караб руйхадан шундай узгарувчи топилсинки унинг номи мантикий хulosса чикарувчи узгарувчилар навбатининг бошида турган булсин. Агар узгарувчи топилса қоиданумери ва 1 сонини шарт узгарувчилари курсатгичига езилсин. Агар узгарувчи топилмаса 0 кадамга утилсин.
4. Тутилган қоиданинг (агар топилган булса) инициаллаштирилмаган узгарувчиларнинг шартли кисмига киймат юклансин. Узгарувчилар номи шарт узгарувчилари руйхатида жойлашган. Қоиданинг хамма шартлари текширилсин ва уларнинг чин кийматида у хола кисмига мурожаат этилсин.

5. Коиданинг у холда кисмига кирувчи кисмидаги узгарувчилар навбатининг охирига жойлаштирилсин.

6. Мантикий хулоса чикарувчи узгарувчилар навбатининг бошида турувчи узгарувчи учиреб ташланилсин агарда у кандайдир коидани шартли кисмida бошка учрамаса.

7. Мантикий хулоса чикарувчи узгарувчилар навбати бушаши билан, фикр юритишлар процесси тутатилсин. Агарда навбатда узгарувчилар булса, З кадамга кайтилсин.

7.2. Фикрлашнинг тескари занжри

Фараз килайлик, автомобил юрмай колди. Муаммо нимада- ё аккумулятор ўтириб колган, ё стартёр носоз? Муаммони бошка умумийрок холда караб чикамиз: маълум сабабга кўра (автомобил ўрнидан кўзғалмай колди) шароитни аниклаб олишимиз керак, муаммога сабаб нима? У олдинги бўлимдаги вазифадан шуниси билан фарқ киладики, у ерда шартлар олдиндан маълум эди, лекин натижалари номаълум эди. Вазифанинг ечимини олдиндан айтиш мумкин эди. Бу ерда хам ечим маълум ва унинг сабабини топпиш керак.

ФТЗпринципи бўйича ишловчи дастурий воситалар олдиндан маълум бўлган натижаларни кидириш учун мўлжалланган. Маълум шартга асосланган, тўғри фикр занжирини амалга оширувчи тизим мумкин мантикий натижаларни амалга оширади; тескари фикрлаш занжирини амалга оширувчи тизим эса, маълум натижалар бўйича улар учун зарур бўлган шароитларни кидиради.

7.3. Билимлар базасини ишлаб чикиш: ечимлар дарахти


Хаммасидан олдин карор кабул учун вазифани эксперт тизимини ишлаб чикадиган килиб кўямыз. Мос келувчи вазифа карор кабул килишда ФТЗ(фикрлашнинг тескари занжри) дан фойдаланилиши мумкин, ёки вазифа бошкacha бўлиши мумкин, яъни бошка вазиятдан келиб чиккан холда: ишга киришни хохлаган одам катта фирма директори олдига келди. Директор фирмадаги умумий ахвол ва мутахассисларга фирманинг талаби хакида, унинг танлови хакидаги маълумотлар билан таништиради. Ишга келаётган одамнинг фирмада кандай иш билан шуғулланишини хал этиш директор учун мухим хисобланади.

Шу боисдан вазифада бўлиши мумкин бўлган бир канча вариантлардан бирини танлаш керак, унинг ечими учун ФТЗдан фойдаланиш мумкин. Хакикатда жавоб аллакачон мавжуд. Иш сўраб келган одам директор олдида ўтириб бор кучи билан унда яхши

таассурот колдиришга харакат килади. Агар бу одам директорга мақұл келса, унға мос келувчи лавозимни танлаши керак. Директор ўша одамға, тұғри танловни амалға ошириш имконини беруви жағоб оладиган саволлар бериши зарур.

Демек, вазифа күйилди. Энди уни күргазмали тарзда тақдим этиш лозим. Ўхаш вазифаларни тасвирлаш учун одатда ечимлар дарахти деб номланувчи диаграммалардан фойдаланилади. Ечимлар дарахти зарурий аниклик беради ва фикрлаш йұналишини кузатишга имкон беради.

1-расмда ишга кабул килиш мисоли учун ечимлар дарахти көлтирилған. Күриниб турибиди, диаграмма чўкки(вершина) деб номланувчи айлана ва тўғрибурчаклардан ташкил топган.Хар бир чўкки ўзининг номерига эга.Чўккиларни бирлаштирувчи линиялар дуга ва шохлар деб аталади. Саволлардан иборат айланалар ечимлар чўккиси деб номланади. Тўғри бурчаклар бутун диаграммалардан иборат ва мантикий ечимларни англатади. Линиялар диаграммалр йұналишини кўрсатади. Кўпчилик чўккилар уларни бошка чўккилар билан боғловчи бир нечта шохларга эга.



1-расм. Лавозимни танлаш учун ечимлар дарахти

7.4. Ечимлар дараҳтини конунга коидага айлантириш

Барча мумкин бўлган мантикий ечимлар учун коидаларни шаклантириш жараёни навбатдаги боскичлардан иборат:

1.Ечимлар дараҳтидан хulosалар чўккиси (тўғрибурчак)ни танлаш ва уни махкамлаш.

2.Ечимлар чўккиси(айланана)ни топпиш ва уни махкамлаш.

Жадвал 1.

Ўзгарувчан номлар жадвали.

O'zgaruvchilar nomi	Shart	Cho'qqi
DEGREE	Ishtirokchi (kelgan odam) ilmiy unvonga egami ?	1
DISCOVERY	Ishtirokchi muhim o'zgarishlar(ixtiro) qildimi?	4
EXPERIENCE	Bu yo'nalishda qanday ish tajribasiga ega ?	7
GRADE	O'quv davrida ishtirokchining o'rtacha balli qanday?	5
POSITION	Ishtirokchiga qanday lavozim taklif qilindi?	2,6,8,9,10
QUALIFY	Balki,ishtirokchi ishga qabul qilinar	3

3.Барча ечимлар чўккиси тутамагунча ёки янги хulosалар чўккисига учрамагунча 2-боскични тақрорлаш. Агар хulosалар чўккиси учраб колса, уни махкамлаш ва 2-боскични амалга оширишни тўхтатиш керак.Агар хамма чўккилар тутатилса хам ишни бажариш тўхтатилади.

4.Хар бир йўллардан иборат ечимлар чўккиси - бу ЕСЛИ коидасининг ўзгарувчан кисмларидан бири хисобланади. Маъноси шуки, шохлар билан боғланган бўлса у ўзида шартларни тақдим этади.

5.Танланган мантикий хulosани коиданинг ТО кисмига олиб келиши.

Олдиндан маълум принциплардан фойдаланган холда, билимлар базасини ишлаб чикиш билан ишлашни бошлаймиз. Коида хамма б йўлга тегишли бўлади.

ЕСЛИ-ТО коидаси.

Qoida	Yo'1
10 ЕСЛИ DEGREE - НЕТ, ТО POSITION- НЕТ	1,2
20 ЕСЛИ DEGREE - ДА, ТО QUALIFY- ДА	1,3
30 ЕСЛИ DEGREE - ДА VA DISCOVERY - ДА, ТО POSITION - НАУЧНЫЙ СОТРУДНИК	1,4,6
40 ЕСЛИ QUALIFY- ДА VA AVERAGE 3.5 VA EXPERIENCE- 2, ТО POSITION - ИНЖЕНЕР ПО ЭКСПЛУАТАЦИИ	3,5,7,10
50 ЕСЛИ QUALIFY - ДА VA AVERAGE - 3.5 VA EXPERIENCE 2, ТО POSITION- НЕТ	3,5,7,9
60 ЕСЛИ QUALIFY - ДА VA AVERAGE - 3.5, ТО POSITION - ИНЖЕНЕР КОНСТРУКТОР	3,5,8

7.5. Билимлар базаси билан ишлаш

Тескари фикрлаш зангирини амалга оширишга ўтамиз. Билимлар базаси кандайдир мантикий хуносага олиб келадиган йўлни аниклаш учун кўлланилиши керак.

Мантикий хуносалар рўйхати - бу мумкин бўлган тартибли мантикий хуносалар рўйхатидан иборат маълумотлар тузилмаси. Рўйхат коидалар номери, ушбу коидалар билан боғлик мантикий хуносалар ва хуносаларни шаклдантирадиган шартлардан иборат. Билимлар базаси-нинг хар бир коидасига рўйхатда бир ёзув мос келади. Мантикий хуносалар рўйхати хуносаларни факат коида номери бўйича кидириш учун кўлланилади.

Маълумотлар тузилмаси ўзгарувчан шартлар рўйхати деб номланади.

Тўртингчи маълумотлар тузилмаси - мантикий хуносалар стекини охирида мухокама киласиз. Бу худди эксперт тизмидек ФТЗни амалга оширувчи асосий тузилма хисобланади. Мантикий хуносалар стекида мантикий хуносалардан мухим фойдаланувчилар хакида ва текшириш зарур бўлган ўзгарувчан шартлар хакида маълумотлар сакланади.

	1	POSITION 1
	2	QUALIFY INTEREST
	3	POSITION 2
	4	POSITION 3
	5	POSITION 4
Правило 10 ЕСЛИ DEGREE=НЕТ, TO POSITION = НЕТ	6	POSITION 5 DEGREE
Правило 20 ЕСЛИ DEGREE ДА, Список логических выводов TO QUALIFY = ДА	7	
Правило 30 ЕСЛИ DEGREE = ДА И, DISCOVERY = ДА TO POSITION = НАУЧНЫЙ СОТРУДНИК	8	9 DEGREE
Правило 40 ЕСЛИ QUALIFY = ДА И, GRADE < 3.5 И EXPERIENCE = 2 TO POSITION= ИНЖЕНЕР ПО DEGREE ЭКСПЛУАТАЦИИ DISCOVERY	10	DISCOVER
Правило 50 ЕСЛИ QUALIFY = ДА И GRADE < 3.5 EXPERIENCE И EXPERIENCE = 2 TO POSITION = НЕТ Список переменных	11	Y
Правило 60 ЕСЛИ QUALIFY = ДА И GRADE >= 3.5 TO POSITION = ИНЖЕНЕР Вершина стека КОНСТРУКТОР	12	11
	13	12
	14	13
	15	QUALIFY
	16	14 GRADE
	17	15
	18	EXPERIEN
	19	CE
	20	16
	21	17
	22	QUALIFY
		18 GRADE
		19
		EXPERIEN
		CE
		20
		21
		QUALIFY
		22 GRADE

База знаний	Номер правила	Номер условия	Список переменных условия
	Стек логических выводов		

2- Билимлар базаси ва маълумотлар тузилмаси.

Билимлар базасидан фойдаланишга мисол.

Барча юкоридаги айтиб ўтилганлар билан бирга хуносага келиш учун, биз эксперт тизимлари фойдаланувчилари талабини ишлаб чикиш

сиклини кўриб чикамиз. Иш фойдаланувчиларнинг мантикий хulosаларини савол шаклида киритиши билан бошланади:

Иштирокчи ишга кабул килинадими?

Тизим ўзгарувчилар рўйхатидан ўзгарувчи POSITION мантикий хulosасини танлайди. Кейин стекда ўзгарувчан мантикий хulosага ўхшаш коида номери жойлашади. Мантикий хulosалар рўйхати энг бошидан(10-коидадан) кўриб чикилади. Рўйхат шу захоти 10-коидадаги POSITION ўзгарувчисини топади ва стекга бир элементни жойлаштиради. 10-коидада тизим DEGREE шартли ўзгарувчини топади ва ўзгарувчилар рўйхатини кўриб чикиб, у яна инитсиализатсия килинмаганини кўрсатади. Тизим маълумот сўрайди:

Иштирокчи илмий унвонга эгами?

Худди кабул килинган жавобдек DEGREE ўзгарувчиси тизимга жўнатилади, лекин унинг учун ўзгарувчилар рўйхатида инитсиализатсия белгиси киритилади.

Агар иштирокчи Саволга “ДА” деб жавоб берса, у холда
10 ЕСЛИ DEGREE = НЕТ, ТО POSITION=НЕТ

Коидаси шартда норозилик туфайли инкор килинади, лекин унга мос мантикий хulosа стекдан ўчириб ташланади. POSITION мантикий хulosали ўзгарувчи билан янги коида кидиришда мантикий хulosалар рўйхатини кўриб чикиш давом эттирилади. Кейин тизим 30 коидани танлайди

30 ЕСЛИ DEGREE = ДА И DISCOVERY= ДА, ТО POSITION = НАУЧНЫЙ СОТРУДНИК

Ва уни стекка жойлаштиради. Енди тизим 30 коидага жойлаштирилган барча шартли ўзгарувчиларни ўзлаштиришга харакат килади.

Правило 10 ЕСЛИ DEGREE=НЕТ,
ТО POSITION = НЕТ

Правило 20 ЕСЛИ DEGREE ДА,
ТО QUALIFY = ДА

Правило 30 ЕСЛИ DEGREE = ДА И,
DISCOVERY = ДА
ТО POSITION = НАУЧНЫЙ
СОТРУДНИК

Правило 40 ЕСЛИ QUALIFY = ДА И,
GRADE < 3.5
И EXPERIENCE = 2
ТО POSITION= ИНЖЕНЕР ПО
ЭКСПЛУАТАЦИИ

Правило 50 ЕСЛИ QUALIFY = ДА
И
GRADE < 3.5

	Значение
DEGREE	I ДА
DISCOVERY	NI
EXPERIENCE	NI
GRADE	NI

Список
переменных

И EXPERIENCE = 2
TO POSITION = НЕТ

Правило 60 ЕСЛИ QUALIFY = ДА И
GRADE >= 3.5
ТО POSITION = ИНЖЕНЕР
КОНСТРУКТОР

База знаний

3-расм.Ўзгарувчиларнинг тўғирланган рўйхати.

Ўзгарувчан шартлар рўйхатида 30 коида учун DISCOVERY ўзгарувчиси иккинчи бўлиб туради. Ўзгарувчилар рўйхатида DISCOVERY ўзгарувчиси яна ўзлаштирилмагани белгиланган. Шунинг учун DISCOVERY ўзгарувчиси ўзгарувчан мантикий хуросалар рўйхатига кирмайди, тизим яна маълумот сўрайди:

Иштирокчи мухим янгилик(иштиро) килдими?

Тизим “Нет” жавобини олди деган таклиф киритамиз, унда ўзгарувчилар рўйхати тўғирланган бўлади. 30 коидада учинчи ўзгарувчи шарт йўқ, демак, уни тахлил килиш мумкин. Лекин коиданинг иккинчи шарти бажарилмайди, натижада, мантикий хуроса яна стекдан ўчириб ташланади. POSITION ўзгарувчили мантикий хуроса билан коидани кидириш давом эттирилади. Кейин тизим 40 коидани танлайди ва уни стекка жойлаштиради. Коида шартлари ва ўзгарувчилар рўйхатини кўриб чикиб, тизим QUALIFY ўзгарувчисининг киймати яна берилмаганини кўрсатади, бундан ташкари, бу ўзгарувчи мантикий хуросалар рўйхатининг 20 коидасида бор. Тизим стекка янги элементни олиб келади. 20 коидада факат битта ўзгарувчи шарт DEGREE бор ва уни DEGREE ўзгарувчиси олдиндан инитсиализатсия килинганидек амалга ошириш мумкин(DEGREE=ДА). 20 коидага мувофик QUALIFY ўзгарувчиси ДА (QUALIFY “ДА”) кийматини кабул килади ва кайта ишланган мантикий хуроса стекдан ўчирилади. Тизим 40 коидага кайтади, шарт номерининг бир бирлигига катталашади ва GRADE ўзгарувчиси билан ишлашга киришади. GRADE ўзгарувчиси хуросалар рўйхатида йўқ ва унга киймат яна берилмайди. Тизим янги савол беради: Билим юртида иштирокчининг ўргача балли кандай бўлган?

Иштирокчининг жавоби, айтайлик 3.0, ва тизим GRADE ўзгарувчисига киймат беради. EXPERIENCE ўзгарувчиси мантикий хуросалар рўйхатида йўқ, ва у инитсиализатсия килинмайди, шунинг учун тизим яна сўрайди:

Иштирокчи мутахассислиги бўйича канча йил ишилаган?

Тизим иштирокчига 4 жавобини юборган бўлсин. У холда EXPERIENCE ўзгарувчиси 4 да ўзлаштирилади, унинг инитсиализатсия белгиси 1 га ўзгаради, стекдаги номер эса 4 гача силжийди. 40 коидада ўзгарувчи шарт бошка йўк, демак, шартни текшириш ишга тушади.

40 ЕСЛИ QUALIFY = ДА И GRADE= 3.0 И EXP = 2

коидасининг барча шартлари хакикий, шундай экан

QUALIFY=ДА

GRADE=3.0

EXPERIENCE=2

ва ТО кисми билан мос келади

ТО POSITION = ИНЖЕНЕР ПО ЭКСПЛУАТАЦИИ

POSITION ўзгарувчиси ИНЖЕНЕР ПО ЭКСПЛУАТАЦИИ ни ўзлаштиради. Максадга эришилди, иштирокчига жихозлар эксплуататсияси бўлимида мансаб таклиф таклиф килинади.

7.6. Фикрлашнинг тескари занжирини амалга оширувчи тизимларнинг умумий ишлаш алгоритми.

Фикрлашнинг тескари занжирини амалга оширувчи тизим куйидаги кадамларни бажариши керак:

1.Ўзгарувчан мантикий хулосаларни аниклаш.

2.Мантикий хулосалар рўйхатида бу ўзгарувчиларга биринчи киришни кидириш. Агар ўзгарувчи топилса, мантикий хулосалар стекида мос келувчи коиданинг номерини жойлаштириш ва 1 га тенг шарт номерини ўрнатиш.Агар ўзгарувчи топилмаса, фойдаланувчига жавобни топишнинг иложи йўк деб хабар бериш.

3.Берилган коиданинг барча ўзгарувчан шартларига киймат бериш.

4.Агар ўзгарувчилар рўйхатида кандайдир ўзгарувчи шартнинг киймати берилмагани кўрсатилса ва у ўзгарувчан мантикий хулосалар рўйхатида йўк бўлса, уни фойдаланувчидан сўраш.

5.Агар кандайдир ўзгарувчи шарт ўзгарувчан мантикий хулосаларга кирса, коида номерини стекда, мантикий хулосаларда жойлаштириш ва 3 кадамга кайтиш.

6.Агар коидадан ўзгарувчининг кийматини аниклаш мумкин бўлмаса, стекда унга мос келувчи элементни ўчириб ташлаш ва мантикий хулосалар рўйхатида бу ўзгарувчан мантикий хулосалар билан коидани кидиришни давом эттириш.

7.Агар шундай коида топилса, З кадамга ўтиш.

8.Агар ўзгарувчи мантикий хулосаларда колган коидалар орасидан топилмаса, олдинги хулосалар учун коида ногўғри бўлади. Агар олдинги

хулосалар мавжуд бўлмаса, жавобни олишнинг иложи йўқ деб ҳабар бериш. Агар олдинги хулоса мавжуд бўлса, унда б қадамга кайтиш.

9.Стек бошида жойлашган коидадан ўзгарувчи шартни аниклаш; коидани стекдан ўчириб ташлаш. Агар ўзгарувчи хулоса яна бор бўлса, шарт номери кийматини катталаштириш ва колган ўзгарувчиларни текшириш учун З қадамга кайтиш. Агар бошка ўзгарувчан мантикий хулосалар йўқ бўлса, фойдаланувчига якуний хулоса хакида ҳабар килиш.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1.Фикрлашнинг тўғри занжирини амалга ошириш механизмини тушунтириб беринг?
- 2.Фикрлашнинг тўғри занжирини амалга оширувчи вазифага мисол келтиринг?
- 3.Ўзгарувчи шартлар рўйхатини изохлаб беринг?
4. Фикрлашнинг тўғри занжирини амалга ошириш алгоритмини тушунтириб беринг?

VIII. ЭХТИМОЛЛИК ВА НОАНИК МАНТИК

8.1. Эвристик коидалар

Таъриф: Эвристик коида – эксперт тамонидан ишлаб чикилган коида.

Кўпгина эврестиқ коидалар асосоида бўлиши кутилаетган воеа эхтимоллиги мавжуд, бу эхтмоллигни факатгина эксперт аниклаши мумкин, яни эксперт муамолли мингака доирасида асосланган тахмин килади. Аслида бу тахминларни килиш учун бази бир статистик малумотларни асосо килиб олишини англатади. Мисол учун бу шифокорнинг кузатувлари асосида беморга кўйилган тиббий ташхиз. Шифокор малакаси кўпгина холатларда аник ташхиз кўйишга имкон беради. Албатта шифокорнинг адашиши инобатга олинади, шунинг учун бошка ташхизлар хам хисобга олинади.

Байеснинг эхтимоллик методикаси асосида бир ходиса амалга ошади чунки ундан аввал бошка бир ходиса содир бўлган. Эксперт тизимларда байес назариясига асосланган статистик ечимлар кенг ишлатилади.

Эхтимоллик назарияси тасодифий ходисаларни ўрганиади. Кўп холатларда инсон ўзи сезмаган холда эхтимоллик назариясининг терминларидан фойдаланиб тахмин ёки хулоса килади.

Эхтимолликни куйидагича аниклаш мумкин:

$$P = \frac{\text{умумий экспериментлар сонидан рўй берган ходисалар сони}}{\text{экспериментларнинг умумий сони}}, \quad 0 \leq P \leq 1.$$

Байес эхтимоллиги

Байес шартли эхтимоллик назарияси билан ишлаган. Шартли эхтимоллик аввалдан содир бўлган экспериментларни инобатга олади.

Шартли эхтимоллик – бир S ходиса амалга ошади чунки ундан аввал бошка бир ходиса L содир бўлган .

Шартли эхтимоллик - $P(S/L)$ шаклида белгиланади.

Икки ходисани рўй бериш эхтимоллиги куйидагича ўлчанади:

$$P(L \text{ и } S) = P(S/L) \times P(L), \text{ яни}$$

S ва L ходисаларининг юз бериши эхтимоллиги S ходисасини юз беришига teng, agar L биринчи bўlsa, va agar L ходисасининг юз бериши эхтимоллигига kўпайтирилган L ходисасининг юз бериши малум bўlsa.

Мисол. I/O O харфлар йигимидан тасодифий I ёки O танлансан.

Шартли эхтимоллик тенгламаси ёрдамида O харфи биринчи икки уринишида ва сўнгра I харфи чикишини аниклаймиз.

$$P(O \text{ и } I) = P(I/O) \times P(O)$$

$P(O) = \frac{2}{4}$, түрт О дан иккита.

Эхтимоллик $P(I/O) = \frac{2}{3}$, ПООолинган

О дан сүнг I танланди

$$P(O \text{ и } I) = \frac{2}{3} \times \frac{2}{4} = \frac{1}{3}$$

Эксперт тузимларда шартли эхтимолликнинг бошка тенгламаси:

$$P(S) = P(S/I) \times P(I) + P(S/NOT I) \times P(NOT I) \quad (1)$$

S ходисасининг юз бериши эхтимоллиги S ходисасини юз беришига тенг, агар I ($P(S/I)$) ходисасининг юз бериши эхтимоллигига кўпайтирилган I ($P(I)$) унга S ходисасининг юз бериши эхтимоллиги, агар I ($P(S/NOT I)$) ходисасининг юз бермаслиги ва I ходисаси юз бермаслиги эхтимоллигига кўпайтирилган $P(S/NOT I)$ га кўшилган.

Мисол.

Фонд биржаси экспрет тизимининг ишлашинига фсивловчи эхтимоллик назариясини кўриб чикамиз.

M1: АГАР *проц_ставкалари==тушмокда*

У ХОЛДА нархлар == *кўтарилмокда*

M2: АГАР *проц_ставкалари==кўтарилмокда*

У ХОЛДА нархлар == *тушмокда*

M3: АГАР *ялпи_дол_курси==тушмокда*

У ХОЛДА нархлар == *кўтарилмокда*

M4: АГАР *ялпи_дол_курси==кўтарилмокда*

У ХОЛДА нархлар == *тушмокда*

Нархлар кўтирилишининг эхтимоллигини аниглаш керак.

Мисолдан максад реал холатни кўрсатиш эмас, балки ечимга олиб келувчи йўлларни кўрсатишдир.

Тескари хулоса ишлатувчи тизим коидаларнинг У ХОЛДА кисмида нархлар == *кўтарилмокда* хулосанни кидиради. *проц_ставкалари==тушмокда* шарти бажарилса 1-коида тўгри келади. 1-коида ёрдамида шартларни эхтимоллигини аниглаш мумкин.

S ни STOCK га=кўтарилмокда ва I ни INT=тушмокдага алмаштириб кўйидагиларни хосил киламиз:

$$P(STOCK = КЎТАРИЛМОКДА) = P(STOCK = КЎТАРИЛМОКДА / INT = ТУШМОКДА) \times$$

$$P(INT = ТУШМОКДА + P(STOCK = КЎТАРИЛМОКДА /$$

$$INT = ТУШМОКДАМАС) \times P(INT = ТУШМОКДАМАС)$$

(2)

INT га ТУШМОКДА киймати берилганини аниглаш учун 4-коидаги кайтишимиз шарт.

АГАР *дол_курси==кўтарилмокда*

У ХОЛДА нархлар == *тушмокда*

4-коида 3-коидага ўзгаради

$$\begin{aligned}
 P(INT = \text{ТУШМОҚДА}) &= P(INT = \text{ТУШМОҚДА} / DOLLAR = \text{КУТАРИЛМОҚДА}) \times \\
 P(DOLLAR = \text{КУТАРИЛМОҚДА}) &+ P(INT = \text{ТУШМОҚДА} / DOLLAR = \text{КУТАРИЛМОҚДАМАС}) \times P(DOLLAR = \\
 &\text{КУТАРИЛМОҚДАМАС})
 \end{aligned} \tag{3}$$

Коидалларнинг бироргасида У ХОЛДА кисмида ДОЛЛАР ўзгарувчилиги сабабидан Р эхтимоллик кийматини аниглашнинг иложи йўқ шунинг учун, у кийматни фойдаланувчini ўзи киритади. Шу сабабдан куйидаги шартли эхтимоллик белгиланиши керак.

$$P(DOLLAR = \text{ЎСМОҚДА}) = 0,6$$

Эхтимоллик назариясига асосан содир бўлган ва бўлмаган ходисалар йигиндиси 1 га тенг.

$$P(DOLLAR = \text{ЎСМОҚДАМАС}) = 1 - P(DOLLAR = \text{ЎСМОҚДА}) = 1 - 0,6 = 0,4$$

Барча шартли эхтимолликларга кийматларни берамиз.

$$P(INT = \text{ТУШМОҚДА} / DOLLAR = \text{ЎСМОҚДА}) = 0,8$$

$$P(INT = \text{ТУШМОҚДА} / DOLLAR = \text{ЎСМОҚДАМАС}) = 0,1$$

(шартли эхтимолликларга тескари ходисаларнинг йигиндиси 1 га тенг эмас)

(3) га кийматларни кўйамиз

$$P(INT = \text{ТУШМОҚДА}) = 0,8 * 0,6 + 0,1 * 0,4 = 0,52$$

$$P(INT = \text{ТУШМОҚДАМАС}) = 1 - P(INT = \text{ТУШМОҚДА}) = 1 - 0,52 = 0,48$$

$P(STOCK = \text{ЎСМОҚДА})$ ни топиш учун фойдаоанувчи томонидан шартли эхтимолликнинг кийматлари берилиши керак.

$$P(STOCK = \text{ЎСМОҚДА} / INT = \text{ТУШМОҚДА}) = 0,85$$

$$P(STOCK = \text{ЎСМОҚДА} / INT = \text{ТУШМОҚДАМАС}) = 0,1$$

Унда (2) га асосан

$$P(STOCK = \text{ЎСМОҚДА}) = 0,85 * 0,52 + 0,1 * 0,48 = 0,49 \text{ ёки } 49\%$$

Эхтимоллик нинг барча кийматларига эга бўлиб, фойдаланувчи биржада ўзининг сиёсатини ўтказади.

8.2. Ноаник мантиқ

Эхтимоллик назариясининг ўзга аспектини кўриб чикамиз. Аник белгиланган коидалар оркали ходисани тарифлаш хар доим хам мумкин эмас. Инсонлар хар доим хам саволларга аник жавоб бера олмайдилар.

Енгил касал бўлган инсоннинг тана хароратини аниглаш мумкинми?

Шундай “баланд”, “иссик”, “енгил”, “кўтарилимоқда” ёки “тушмоқда”, каби сўзлар бир киймат оркали аниклаб бўлмайдиган лингвистик ўзгарувчидир. Шундай тушинчалар оркали коидалар ишлаб чикиш ноаник мантиқ дейилади.

Тушмоқда тушинчаси – фонд биржаси тарифловчи коидаларда хам ишлатилувчи лингвистик ўзгарувчидир. Лингвистик ўзгарувчини

кўллаш оркали фойдаланувчидан кераксиз саволларсиз бази бир эҳимолликларни кийматини аниклаш мумкин. Бунинг учун лингвистик ўзгарувчиларни умумийлаштириш керак. Экспер тизим фойдаланувчисига ўша ўзгарувчиларга аникловчиларни кўшиш имконини бериш керак. Фойдаланувчи доллар курсининг кичик ўсишини киритиши мумкин эксперт тизими эса унинг туб маносини анклай олиши керак.

Эҳтимолликлар жадвали.

Биржадаги нархларнинг кўтарилишини аниклаш учун икки коидадан фойдаланамиз:

M1: АГАР INT==тушмокда,

У ХОЛДА STOCK=кўтаришмокда

M4: АГАР DOLLAR== кўтаришмокда,

У ХОЛДА INT= тушмокда,

Ва уларга таалукили шартли эҳтимолликлар (2) ва (3)

Бу тенгламалар ечимида фойдаланувчи учун эҳтимоллик жадвалиникура оладиган эксперт иштироки шартдир. Бу жадвал ўзида фойдаланувчига керак бўладиган тушинчаларни анклавтирувчи сўзларни ўз ичига олади. Аниклаштирувчи сўзлар билан лингвистик ўзгарувчининг ўзгаришлик фоизи ва ўзгариш содир бўлиши эҳтимоллик ва шартли эҳтимолликлари мавжуд бўлади.

	Устун 1	Устун 2	Устун 3
Лингвис- тик ўзгарувчи	Доллар курсижадвал кийматлариги монанд кўта- рилмокда	<i>P(INT=ТУШМОКДА / DOLLAR=КЎТАРИЛ МОКДА)</i>	<i>P(DOLLAR=КЎТ АРИЛМОКДА)</i>
Кичик	1-2%	0,2	0,5
Ўрта	3-4%	0,5	0,3
Катта	4 % баланд	0,8	0,1

Эксперт доллар курсини биринчи жадвал асосида кўтарилаётганини ёки умуман кўтаришмайтган деб ўйласин. Бошка вариант йўқ. Бундан келиб чикадики эксперт икки холат учун эҳтимолликни аниклаши керак. Биринчи холатда доллар курси кўтаришмокда, эҳтимоллик тўғри жадвалга ёзилади. Иккинчи холатда доллар курси кўтаришмайтганлиги шарти билан эксперт фоиз ставкаларини тушиши шартли эҳтимолликлигини ёзаб кўяди.

P(INT=ТУШМОКДА /DOLLAR= КЎТАРИЛМОКДА)=0,07

Фоиз ставкаларининг ўзгармаслигига нархларнинг ўсиш эҳтимоллигини эксперт *P(STOCK= КЎТАРИЛМОКДА /INT=ТУШМОКДА)=0,2,*

кўринишида ёзди, агар фоиз ставкалари тушмаса бу эҳтимоллик куйидагича:

$$P(STOCK = \text{КЎТАРИЛМОҚДА} | INT = \text{ТУШМОҚДАМАС}) = 0.1.$$

Бундай жадваллар эксперт тамонидан ишлаб чиқилади. Улар МО нинг кисмига айланади ва вакти-вакти билан ўзгариши мумкин. Эксперт ўзгаришларни доллар курси ёки фоиз ставкаси ўзгарганда киритиши шарт. Ўзгаришларни инсон ўрнига эксперт тизим киритиши мумкин.

Фойдаланувчи биржадаги нархларни кўтарилиш эҳтимоллигини аниклаши мобайнида эксперт тизим унга савол беради:

Агар доллар курси

1-Кичик

2-Ўрта

3-Катта

Бўлса -? ракамни киригинг.

Фараъ килайлик фойдаланувчи 2 ракамини киритди яни -ўрта. Жадвалдан малумки фойдаланувчи доллар курсини 3-4% га кўтарилишини кутмоқда. Ечими учун керак бўлган барча малумотларни жадвалдан топса бўлади:

Эҳтимоллик	Манба
$P(DOLLAR = \text{КЎТАРИЛМОҚДА}) = 0.3$	Катор2, устун 3
$P(DOLLAR = \text{КЎТАРИЛМОҚДАМАС}) = 1 - 0.3 = 0.7$	асосий коида катор 2, устун2
$P(INT = \text{ТУШМОҚДА} DOLLAR = \text{КЎТАРИЛМОҚДА}) = 0.5$	Эксперт
$P(INT = \text{ТУШМОҚДА} DOLLAR = \text{КЎТАРИЛМОҚДАМАС}) = 0.07$	тенглама 3 = 0.199
$P(INT = \text{ТУШМОҚДА}) = 0.5 * 0.3 + 0.07 * 0.7$	

$P(STOCK = \text{КЎТАРИЛМОҚДА})$. Бунинг учун аввалги натижадан фойдаланиш керак:

Эҳтимоллик	Манба
$P(INT = \text{ТУШМОҚДА}) = 0.199$	Аввалги хисоб
$P(INT = \text{ТУШМОҚДАМАС}) = 1 - 0.199 = 0.811$	асосий коида
$P(STOCK = \text{КЎТАРИЛМОҚДА} INT = \text{ТУШМОҚДА}) = 0.2$	Эксперт
$P(STOCK = \text{КЎТАРИЛМОҚДА} INT = \text{ТУШМОҚДАМАС}) = 0.1$	Эксперт

3 тенгламадан нархлар күтарилиши эхтимоллигини аниклаш мүмкін

$$P(\text{STOCK} = \text{КҮТАРИЛМОҚДА}) = 0.2 * 0.199 + 0.1 * 0.811 = 0.121$$

Яни эхтимоллик 12.1% тенг. Фойдаланувчи жадвал ишлаб чикиш ва уни түлдириш каби ишдан озод, бу кийин вазифаны экспрет бажаради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Эвристик коидалар деб қандай қоидаларга айтилади?
2. Эхтимоллик тушинчаларини көлтииринг.
3. Байес эхтимоллиги қандай ўлчанади?
4. Ноаник мантик қоидалари.
5. Эхтимоллик жадвали қандай тузилади?

IX. ТАБИЙ ТИЛГА ИШЛОВ БЕРИШ.

9.1. Тилга ишлов бериши механизми.

Инсон ва компьютер мулокоти бу купгина тадкикотчилар иш олиб бораётган масаладир. Бу ишлардан якуний максад фойдаланувчи ва компьютер узаро табий тилда сұхбат кура олишидир мисол учун рус тилида ёки компьютер уларға шу тилда жавоббера олиши.

Ташки куранишдан бу вазифа енгил туюлиши мумкин, бунинг сабаби биз ёшлигимиздан инсон мулокотини эшишиб келгәнлигимизда. Компьютерларнинг ақли уларни ишлаб чыккан инсонларнинг маҳорати билан ўлчанади, шунинг сабабидан улар ўзғүзидан фикрлашға кодир бўлмаганликлари учун уларга ўта аник йулланмаларни бериш оркали нимани килиш кераклигини тушунтириш мумкин. Инсон туғилганиданоқ тилни ўрганишга мойиллик билан туғилади, лекин компьютер инсон тилини тушуниши учун тилни аввало асосий элементларга бўлиш ва шу ахборотларни компьютерга у тушунадиган тарзда киритиш зарур. Инсон ва компьютер мулокоти тушунарли булиши учун табий тилни қайта ишлаш тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Келинг, бу вазифа қанчалик мушкул эканлигини курамиз. Тасаввур килинг сунъий тафаккурса эга булган робот автоуловларни тамирлай олади.

Унга қуйидаги икки топширикларни бериш мумкин.

1. Фидираги тешилган уй ёнидаги автоуловни тамирла.
2. Уй ёнидаги кизил пардали автоуловни тамирла.

Биринчи жумлани икки хил изохлаш мумкинлигига қарамай хар бир инсон уйнинг ёнида туширийган ғидирак бўлмаслигини тушунади. Инсон бу жумладаги ноаникликни дархол сезади ва ундан хам мухимроғи онгода бу нотўғри жумлани тўғрилайди чунки малумки тешилган ғидирак автоуловда уй ёнина эмас. Робот сузларни боғлашдан ва уларни маъносини тушунишдан купрөк қила олиши керак акс холда у тешилган ғидиракни кидиришига тўғри келар эди. Иккала жумла хам бир хил тузилишга эга бўлғанлиги учун робот грамматикани ва обектларни уларнинг маносини таққослай олиши керак. Инсон тилининг қоидалари фақатгина инсон учун маного эга, компьютер учун эса гап маносини англаш учун маҳсус қоидалар даркор.

Бизнинг роботимиз эга бўлган сунний интеллект жумлалар ва уларнинг орасидаги боғлиқликни тахлил қила олиши керак. Мисол учун куюдаги икки гапни оламиз.

1. Сарвар сут ичмоқда.
2. Сунгра у пальто киймоқда.

Иккинчи гапдаги у сўзи биринчи гапдаги Саварга таалукили. Биринчи жумласиз иккинчи маносиз бўлар эди. Барча табий тиллар контекстуал тиллардир. Бошқача қилиб этганда иккнчи жумлани тушиниш учун биринчи жумлани билиш шарт. Биргина жумла оркали изохлаш мумкин бўлган тиллар контекстуал мустакил деилади. Компьютер инсонни тушина олиши учун табий тил тахлилаторини ишлаб чиқиш зарур. Тахлилнинг асосий функциялари куйидагича:

1. Лексик тахлил (сўзлар тахлили).
2. Синтактик тахлил (грамматик қоидалар асосида сўзлар тахлили).
3. Семантиктакихлил.

9.2. Лексик тахлил

Лексик тахлил жумла сўзларнинг товуш ёки тўхташ белгилари асосида бўлиш. Бундан ташқари жумлада ўзакни ва қўшимчаларни ажратиб олиш мумкин. Мисол учун қўшимча сўз қуйидагича бўлиш мумкин:

Кўшимча (сўз)
кўшиш (ўзак)
ча (қўшимча)

Сўзларни лугатдан олиш мумкин лекин ўларнинг умумий маносини компютерга тушинтириш қийин масала.

9.3. Синтактик тахлил

Инсон тилини компбтер тушиниши учун аввалам бор компютерни сўзларни ажратиб олишни ўргатиш керак. Грамматика ва синтаксиз қоидаларини компютер тушунадиган шаклга келтириш керак.

Одатда жумла (Ж) отлар гурихи (ОГ) ва феллар гурихи (ФГ)дан ташкил топган бўлади ва уларни куйидаги кўринишда бўлади:

$J \rightarrow OG, FG$

От гурихи куйидагича бўлинниши мумкин: (атокли от, олмош ва хиз).

$OG \rightarrow AO.$

График тарзда жумланнинг синтаксик кўриниши “дараҳт” шаклида бўлиши мумкин. Мисол учун: “қари ўтинчи дараҳт чопмокда” жумлasi 1-расм. да кўрсатилгандек тузилишга эга. жумла сўзларга бўлинади сўзлар эса синифларга бўлинади. Қари сўзи – аникловчи (А), сифат оркали ифодаланган, ўтинчи- сўзи – от (О), чопмокда – феъл (Ф) ва дараҳт –от (О).

9.4. Семантик таҳлил

Сўзни таркибий қисмларга бўлгандан сўнг компьютер унинг семантик таҳлил қилмоқда яни унинг маносини тушинмокчи. Сунний акт тизимида жумлани маносини англаш учун қоидалар умумийлиги ишлатилади.

А О Ф О
Қари ўтинчи дарахт чопмокда


Жумлани изохлаш учун симантик таҳлилчининг билимлар омборида қуидаги қоидалар мавжуд бўлиши лозим.

1-қоида: АГАР аниқловчи биринчи бўлиб келса ва ундан кейин от келса У ХОЛДА от эгадир.


2-қоида: АГАР эгадан кейин феъл келса у холда феъл сифатдир ва кесимдир.

3-қоида: АГАР эгадан сўнг кесим келса ва ундан сўнг от у холда от тўлдирувчидир.

4-қоида: АГАР жумла қуидагича кетма-кетликда бўлса: эга, феъл, тўлдирувчи у холда бутин жумла эгаси тўлдирувчига нисбатан кесимдир.



1-расм. Жумланинг синтаксик дарахти.



2-расм. Табий тил процессори

Юқорида айттылғанни мисолда тушинтирамиз. Фараз қиласылған сунний ақл тизими қуидаги масалани ечиши керак: кари үтінчи німа қилаётганини ва унинг фаолият объектини аниклаш. Семантика таҳлилчи бириңчи қоидага мурожат қиласы, унинг ёрдамида у “үтінчи” сұзы эга эканлигини аниклайды. 2-коида ёрдамида “чопмөк” кесимлигини. Харакат объекті 3,4-коidalар орқали “дараж” сұзы эканлиги.

Куидаги мисол табий тил процессорининг семантикалық, лексик ва синтаксикалық қоидалар орқали жумлани қандай килиб тушинишини күрсатади. Инсонга кампьютер билан оғзаки мулоқат учун табий тил процессори фойдаланувчи ва сунний ақл тизими орасидаги боғловчы занжир бўла олади. Умуман олганда табий тилни қайта ишлаш фойдаланувчидан кийин дастурлаш тилларини ўрганишдан озод этади. Агар компьютер ва инсон табий тилда сўзлашишини вужудга келтира оладиган дастур ишлаб чиқилса бу хакиқий сунъий компьютер бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тилга ишлов бериш механизми нимадан иборат?
2. Лексик таҳлил асослари.
3. Синтаксик таҳлил вазифаси.
4. Семантика таҳлил вазифаси.

X. ЎЗИНИ ЎЗИ ЎҚИТУВЧИ ТИЗИМЛАР

10.1. Нейронни асосий хусусият, тушунча ва моделлари.

Нейрон бош миянинг таркибий бирлиги бўлиб, уларни ўзаро харакати ахборотни қайта ишлаш жараёнда электр сигналларни ўзатиш ва кетма-кет-параллел: кучайтириш-камайтириш, ночиликли қайта ўзгартириш, жамлаш каби қайта ўзгартиришлар йўли билан бажарилади. Сунъий нейрон модели табиий нейронни функционал хусусият ва характеристикаларини акс этади. Нейрон –электр фаоллиятикка эга бўлган ва организмни оператив бошқарадиган тирик организмларни нерв (асаб) хужайралини алоҳида тури бўлади. Нейрон таркиби: сома (тан), дэндритлар – кириш ахборотларни ўзатадиган ўситмалар ва аксон – чикиш ахборотларни ўзатадиган ўситмалар. Хар бир нейрон фақат бир аксон ва бир неча дендритлардан иборат. Нейронни чикиш сигнали (кўзғалиши, импульси) бошқа нейронга нерв бириккиш (синапс)лар орқали келади. Бу ҳолатда кўзғалиш сигналлар кучайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Шунинг учун нейрон танаси кришига икки турдаги – кўзғалишили ва тормозланишили сигналлар келади. Нейрон танаси бу сигналларни алгебраик жамлаб шу жамланган сигнал ўстида ночиликли қайта ўзгартириш амални бажаради. Жамланган сигнал киймати қандайдир чегарали қиймтидан ошган ҳолатда нейрон кўзғаланади ва чикиш сигнални бошқа нейронларга юборади.

Нейротармокли ҳисоблашлар математик асоси – ҳар қандай кўп ўзгарувчанлардан боғлик бўлган ночиликли функцияни олдиндан белгиланган аниқлиги билан чизикли амал ва кетма-кет уланган бир ўзгарувчандан боғлик бўлган ночиликли функциялар ёрдамида аппроксимациялаш (ифодалаш) мумкин – қоидаси бўлади.


Нейротармокли ҳисоблашларни асосий хусусиятлари: а) коннекциянистлик – ахборотни ва қайта ишлаш алгоритмларни эслаш сифатида нейронлар орасидаги вазнланган (ўлчанганд) боғланиш (алоқа)лардан фойдаланиш; б) ўргатиш – масалаларни берилган синфиға нейротармокларни созлаш жараёнда “дастурлаш” функцияни бажариш.

Мазкур хусусиятлар нейротармокларни универсаллик, оммавий параллеллик ва голографиклик (тузилмани қисман бузилишида ишлаш остоишлигини саклаш) характеристикалар билан таъминлайди.

Нейротармокли ҳисоблашлар қўйдаги ҳолатларда афзалликни кўрсатади:

- Масалаларни математик усуллар ёрадамида формаллаштириш мумкин бўлмаганда;
- Мавжуд формаллаштириладиган масалани ечиш учун математик аппарати мавжуд бўлмаганда;

•Формаллаштирилладиган масалани ечиш математик аппарати жуда катта ресурс (вақт, техника, энергия ва б.)ларни талаб киладиганда.



1 расм. Сунъий нейронни таркибий модели.

Сунъий нейрон модели илк бор 1943й. Мак-Клокк ва Питтс томонидан тавсифланган. Улар 13.1 расмда кўрсатилган тузилма кўринишдаги бир неча кириш (x_i) ва бир (Y) чиқишили чегара элементлари билан ифодаланган. У кўпайтма-синапс (\otimes), жамлагич (Σ) ва ночизиқли ўзгартириш (F) операторлардан иборат бўлган сунъий нейрон моделинни тасвирлайди. Нейронни кириш (x_i) сигналлар бошқа нейронларнинг чиқиш сигналлари бўлади. Ҳар бир кириш сигналга боғланиш (алоқа) вазни (w_i) бириктирилади. Унинг қиймати мусбат ёки манфий бўлиши мумкин. Кириш сигнал ва боғланиш вазнлар кўпайтмалари синапс орқали жамлагич элементга келади. Унинг чиқишида мазкур кўпайтмалар алгебраик йигиндиси шаклланади

$$I = \sum_{i=1}^n w_i x_i .$$

Бу катталик (I) нейронни кўзғалиш даражасини ифодалайди. Нейрон кириш сигнални $F(I)$ активацион ёки ўзатма функция бўйича ночизиқ равишда ўзгартиради ва, натижада, чиқиш сигнални қўйидаги ифода бўйича шакллантиради

$$Y = F(I) = F\left(\sum_{i=1}^n w_i x_i\right) .$$

Агар нейрон киришида чегара (θ) ўрнатилган бўлса, унда чиқиш сигнал қўйидаги ифода бўйича шаклланади

$$Y = F(I - \theta) = F\left(\sum_{i=1}^n x_i w_i - \theta\right) .$$


Одатда F функция сифатида қуидаги содда ноңзик функциялар кулланилади:

1) бинарная (пороговая)

$$Y = \begin{cases} 1, & \text{есе } l > \theta, \\ 0, & \text{есе } l \leq \theta; \end{cases}$$

2) сигмоид

$$Y = \frac{1}{1 + e^{-\sum w_i x_i}} = \frac{1}{1 + e^{(l - \theta)}};$$




3) гиперболик тангенс

$$Y = th(\sum w_i x_i) = th(l - \theta);$$

4) чизиқли

$$Y = k \sum_{i=1}^n w_i x_i.$$



Шуларни ичидан сигмоид функцияси көнг кулланилади, чизиқли – деярлик ишлатилмайды.

10.2. Нейрон тармоклар тури.

Нейрон мажмуимини белгиланган равища бир-бири билан ҳамда ташки мухит билан боғлаб, ҳар хил турдаги нейрон тармоклар моделларни қуриш мүмкін. Бу ҳолда кириш сигналлар туплами тармокни кириш векторни ташкил қиласа, чиқиш сигналлар туплами эса – чиқиш векторни (чиқиш фаоллық векторни). Нейрон тармокни боғланиш вазнлари W матрица күринищда ифодаланади. Бунда матрицаны w_{ij} элементи i ва j нейронлар ўргасидаги боғланиш вазни бўлади. Нейрон тармоғи ўзининг ишлаш пайтида кириш векторни чиқиш веторга ўзгартиради, яъни ахборотни қайта ишлаш (нейротармокли хисоблаш) жараённи бажаради. Бу қайта ишлашни аниқ күриниши (тури) нейрон модели турлари билан ҳамда нейрон тармокни архитектураси ва характеристикалари билан белгиланади.

Нейрон тармоклар архитектураси ва турлари нейронларни тармоқдаги боғланиш тартиби билан белгиланади. Шунинг учун күпинча нейрон тармокларни ва тизимларни коннекционистик номи билан атайды (“Connection” – “Боғланиш” инглиз сўзидан).

Нейрон тармок (НТ)ларини икки асосий: тўлиқ боғланган ва иерархик турларини ажратади.





Рис. 2.
Тўлиқ боғланган НТ.



Иерархик НТ.

